Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда конституциявий қонун қабул қилиши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрлари учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, давлат органлари фаолиятига тизимли ва босқичма-босқич жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш ҳамда қонун ўстуворлигини таъминлаш, шунингдек, жамият ва ҳар бир фуқаро ҳаётига уларни татбиқ этиш Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини самарали бажаришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани унинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида фаол ҳаракати, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича махсус маърузачилар билан яқин ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни амалга ошириш, айниқса аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига конституциявий мақом берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини шакллантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада ривожлантиришга, аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, шунингдек, давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган.

БМТ Бош қотибининг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажаришни давом эттириш, фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва нормалари тўғрисидаги билимларини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури-нинг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссиясига (кейинги ўринларда – Миллий комиссия) (А. Саидов) Дастурни амалга ошириш юзасидан қуйидаги вазифалар юклансин:

Дастурда белгиланган тадбирлар ижросини ташкил қилиш ва амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда уларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат ва мониторинг қилиш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган, шунингдек, инсон қадрлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, шу жумладан ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилинишини ташкил этиш.

3. Дастурда белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Миллий комиссия ишчи органи – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига тақдим этиб борсин.

4. Миллий комиссия ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 1 – 10 декабрь кунлари мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари” ўн кунлигини эълон қилиш ҳамда барча умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунга бағишланган умуммиллий дарс ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий мақсадларини амалда рўёбга чиқаришда БМТ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг ихтиёрий бадали сифатида юз минг АҚШ доллари миқдо-рида маблағ ажратсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури-нинг амалга оширилишини ҳар томонлама ёритиб борсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Х. Саидов белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 12 май,
ПФ-70-сон

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ — АМАЛДА

Биринчи марта умумхалқ референдумида халқимиз томонидан яқдиллик билан маъқулланган, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишга йўналтирилган янгиланган Конституциямиз амал эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол ва муносиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор”¹.

Мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширишга киришилган чуқур сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амал этиб келаётган Асосий қонунимизни давр талаблари асосида такомиллаштириш заруратини туғдирган эди. Шунинг учун ҳаёт маъносини, тинчлик ва инсон кадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларини мужассамлантирган янгиланган Қомусимизни “Менинг Конституциям”, деб ғурур билан қабул қилди.

Зеро, эндиликда Конституциямизда “инсон – жамият – давлат” деган янги тизим давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини уч баробар кўпайтирмоқда. Ушбу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратилиши ҳисобига юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар барпо этилиши режалаштирилган. Халқимизнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш учун миллий ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги 80 миллиард доллардан яқин йилларда 160

миллиард долларга етказиш мақсад қилинмоқда. Шунинг ҳисобига аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 минг долларга етказилади.

Асосий қонунимизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат барпо этиш ўз ифодасини топди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларининг жорий этилишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги имкониятлари яратилишини англатади. Хусусан, Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги иштироклари кенгайтирилмоқда.

Янгиланган Конституциямизда инсон ҳуқуқлари қафолатларига оид нормалар уч баробарга кўпайтирилди. Эндиликда фуқароларнинг ўзларига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар бундан буён инсон фойдасига талқин этилади. Бунинг учун “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига риоя этилаётганини баҳолайдиган асосий мезонларни ҳар бир давлат идораси кесимида улар масъул бўлган соҳа ва вазифалардан келиб чиқиб ишлаб чиқиш, баҳолашни ўтказиш ҳамда ҳар йил якуни бўйича эълон қилиб

¹ Янгиланган Конституциямиз Учинчи Ренессансни барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/6277>.

боришда ижобий тажриба сифатида “Ҳуқуқ устуворлиги” индексида фойдаланилади.

Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш орқали давлат бошқарувида турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади, хусусан давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг эркин иштирок этишлари таъминланади.

Фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш юзасидан амалдаги дастурларни такомиллаштириш чоралари кўрилади. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун уларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқини қатъий таъминлаш мақсадида “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қонун ўз кучини йўқотди.

Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси-га ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлар сир сақланишига қатъий риоя этиш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Янгиланган Конституциямизнинг 56-моддасида белгиланган: “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий

институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади”, деган қондани мустаҳкамлаш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади².

Янги Ўзбекистоннинг янги Асосий қонуни Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдида кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни қўймоқда. Шу билан бирга халқимиз барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ҳамда ислохотларни кутмоқда. Айни пайтда дунёда ва минтақамизда кескин ҳамда мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш, уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланган. Бунинг ҳисобга олган ҳолда, янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли”³, деб белгилаб қўйилганига асосланиб, ушбу сайловни муддатидан илгари ўтказиш мақбул, деб топилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан 2023 йил 9 июль кунига муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинланди⁴.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ўз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқда. Янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратилди. Халқимизнинг ўз олдида қўйган буюк бунёдкорлик мақсадларини амалга оширишида Асосий қонунимиз мустаҳкам таянч бўлиши шубҳасиздир.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида”ги фармони // <https://president.uz/uz/lists/view/6274>.

КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ

ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ АКС ЭТГАН БОШ ҚОМУС



Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси

Яқинда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси бўйича бўлиб ўтган референдум чин маънода халқимизнинг бирдамлигини, кенг миқёсда олиб борилаётган ислохотлар жараёнига хайрихоҳлигини яна бир бор яққол намоён этди. Юртдошларимиз Ватанимизнинг бугуни ва келажак тақдири, танлаган миллий тараққиёт йўлимиз бардавомлиги ҳамда бу жараён ортга қайтмас тус олажаги учун овоз беришди.

Албатта, давлатлар тарихида муҳим бурилиш содир бўлишига хизмат қиладиган бундай йирик воқеликка халқнинг муносабати ўз-ўзидан ижобий бўлиб қолмайди. Шу маънода, сўнгги 6 йил давомида Президентимиз томонидан олиб борилаётган халқпарвар, адолатли сиёсат, амалдаги натижалари бевосита одамлар ҳаётини яхшилашга, мамлакатимизни ривожлантиришга ва Ўзбекистон деган бетакрор юртни дунёга танитишга қаратилган ислохотлар бунга мустаҳкам асос бўлди десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айнан қабул қилинган янги Бош қомусимизнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва дунёвий давлат тамойилларини ривожлантириш, демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган конституциявий асосларни ўзида мужассам этгани жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида мана шундай янгиланишлар, ўзгаришлар ўзгача шиддат, мазмун ва миқёсда давом этажagini англатиб турибди.

Янги Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, ягона иқтисодий маконни шакллантириш, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши бўйича конституциявий кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишда, давлат ва жамият қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг роли кучайтирилмоқда, фуқаролик жамияти, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни мустақил равишда ҳал қилишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, хавфсизлик ва муҳофаа салоҳиятимизни кучайтириш, дунё давлатлари билан очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз конституциявий ислохотлар давом этаётган жараёнда шу масала бўйича ко-

миссия аъзолари билан бўлган учрашувда, “«Инсон кадри учун» ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган «инсон – жамият – давлат» деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур», дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини биринчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берди.

Янгиланган Конституциянинг “Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” бўлимига назар солар эканмиз, ундаги моддалар аввалги Конституциямиздаги 35 тадан 46 тага етказилганини кўришимиз мумкин. Шу ўринда нормалар нафақат сон жиҳатидан, балки мазмунан ҳам бойитилганига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Мисол сифатида келтирадиган бўлсак, аввалги Конституциянинг мана шу бўлими 45-моддасида “*Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир*”, деб қисқача баён этилган. Янгиланган Конституциянинг 57-моддасида эса: “*Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир*”.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишига, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишига ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришига қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишига жойлаштиришига, таълим олишига қўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди”, деб батафсил тушунча берилган.

Ушбу моддаларни бежиз солиштирмадик. Нега деганда, аввало янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси нормалари тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъи назар, ушбу

Конституциявий қонун кучга кирган пайтдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланди. Иккинчидан, мазкур тоифага мансуб шахслар учун ҳуқуқлари доираси, турлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Бу уларга ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида зарур тушунчага эга бўлиш, ҳуқуқларини талаб қилиш ҳамда улардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Қолаверса, барча фуқаролар қатори уларнинг “Бу – менинг Конституциям” деб фахрланиб, ғурурланиб яшашига хизмат қилади.

Шунингдек, янги Конституцияда инсоннинг экологик ҳуқуқлари, яъни унинг саломатлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш борасидаги давлат кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Юқорида фақат инсоннинг бевосита ҳақ-ҳуқуқларига доир масала хусусида тўхталдик. Аслини олганда, янги Қомусимизнинг бошқа бўлим, моддалари, улардаги нормаларда ҳам бу борада кўплаб конституциявий кафолатлар ўз аксини топган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлигига асосланган эркин бозор иқтисодиёти, кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси шаклланаётгани миллий тараққиётимиз ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда катта роль ўйнамоқда. Юртимизда “Давлат – инсон учун” деган ғоя асосида халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Давлат ташкилотлари фаолиятида “маҳаллалар кесимида ишлаш”, “халқ ичига кириш”, унинг “дардига қулоқ солиш”, “ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” каби ўта муҳим вазифалар ҳал қилувчи мезон сифатида қарор топди.

Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий маънода халқнинг овози тинглана бошланди, давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятлари кенгайди. Халқ вакиллик органи сифатида миллий парламентимиз ваколатлари кўпайтирилди, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди.

Шу маънода айтиш мумкинки, янги Конституциямизга фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ах-

борот воситалари фаолиятига оид бир қатор нормаларнинг киритилгани жамият ҳаётида демократик жараёнлар қонуний асосда янада изчил давом этажagini англадиб турибди.

Янги тахрирдаги Бош қомусимизга Сенат фаолиятига доир бир қатор ўзгартиришлар киритилгани бизга алоҳида масъулият юклайди. Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан референдум яқунларига бағишланган учрашувда парламент фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар хусусида тўхталиб, Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги 14 тадан 18 тага етказилганига алоҳида урғу берди. Мазкур ўзгартиришлар асосан Сенатнинг ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама қўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунларнинг ижросини таъминлаш каби бугунги кундаги энг долзарб вазифаларга янада чуқур эътибор қаратишга йўналтирилганини таъкидлаб ўтди.

“Энди улар пастга тушиб, кўпроқ одамларимиз билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитса, вазирлар ва ҳокимлар билан биргаликда ҳар бир масала бўйича аниқ ечимларни топса, бундан умумий ишимизга фақат фойда бўлади”, – деди Президент.

Мазкур шароитда Сенат ўзининг ҳудудлар манфаатини ифода этадиган орган сифатидаги янги конституциявий норма моҳиятидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси асосида маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлик даражасини янги босқичга олиб чиқиши лозим. Бунда Сенат қўмиталари ва маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, уларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Биринчи навбатда, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ечимида доимий комиссиялар родини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Доимий комиссиялар томонидан кўтарилаётган аҳолини ташвишга солаётган масалаларни нафақат маҳаллий Кенгашлар-

да, балки тегишли қўмиталар билан ҳамкорликда Сенат мажлисларида ҳам муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш амалиётини кенг йўлга қўйишимиз мақсадга мувофиқ.

Янги Конституцияда белгиланган нормалардан келиб чиқиб, вакиллик органлари фаолиятини тартибга солишга доир барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқиш ҳам олдимиздаги долзарб вазифалардан биридир.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонунга мувофиқ ҳукумат томонидан қонунчиликни ушбу янги Конституцияга мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилиниши белгиланди. Ушбу жараёнда таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш, амалдаги қонунчилик базасини хатловдан ўтказиш ва мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан яқиндан иш олиб боришимиз лозим.

Президентимиз халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юклаши, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундаши, ислохотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлашини таъкидлади. Эндиликда ҳокимиятнинг барча бўғинлари – парламент, ижроия ҳокимияти, суд тизими – барча барчамизнинг энг асосий фаолиятимиз янги Конституциямиздаги ҳар бир модда ва уларда белгиланган нормаларнинг халқимиз ҳаётида бевосита акс этишини таъминлашга қаратилиши зарур. Бунда мамлакатимизда кейинги йилларда фаоллик кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигимизни кучайтирсак мақсадга мувофиқ бўлади. Конституцияда белгиланган Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида ўз тараққиёти сари қўяётган дадил қадамларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини аҳоли муаммоларини ҳал қилишга қаратиш каби вазифаларни амалиётга тезкорлик билан жорий этиш талаб этилади.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Мирза-Улуфбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг
раиси, юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва янги қадриятлар шаклланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бир қатор фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар қаторида қонун устуворлиги принципи ҳам реал воқеликка айлангани ҳақиқат. Қонун устуворлиги – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши қатъий талабга айланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ушбу соҳадаги энг устувор вазифамиз – Ўзбекистоннинг дунёдаги “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторига киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга ишончини оширишдан иборат”¹.

Бунда 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумида халқимиз томонидан янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этади.

Янгиланган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланди. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилди.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш қонунлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бундан ташқари инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланди. Бу нормалар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон манфаатлари устувор бўлишини амалда таъминлашга хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш соҳасидаги ислохотларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги таҳрири референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинди. Референдум халқ иродасининг бевосита ифодаси бўлиб, унда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Бинобарин, мамлакатимиз парламенти халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, янгиланган Конституцияни қабул қилишни халқнинг иродасига ҳавола қилди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлди. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти органлари, суд-ҳуқуқ тизими ва

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси / Тўлдирилган иккинчи наشري. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022. – 103-б.

барча даражадаги мансабдор шахслар зиммасига мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасида катта масъулият юклайди.

Мамлакатимизда Конституция устуворлигига тўлиқ эришиш, унинг нормаларига оғишмайриоя қилишда бутунлай янги тартиб жорий қилинмоқда. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди олдида конституциявий назорат фаолиятини самарали амалга оширишда янги талабларни қўймоқда.

Зеро, янги Ўзбекистон шароитида конституциявий назорат институти кучайтириш, уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо қилувчи ўз ечимини кутаётган муаммолар йиғилиб қолган. Чунинчи, конституциявий суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий механизмларини қонун билан тартибга солишга, конституциявий шикоят институти такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз Асосий қонунида Конституциявий суд ваколатига тегишли нормалар янада такомиллаштирилди.

2023 йил 13 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлашни сўраб Конституциявий судга киритган мурожаати очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Конституциявий суд мазкур масаланинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, қисқа вақт ичида ҳуқуқшунос олимлар, экспертларни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама муҳокама қилди. Таъкидлаш жоиз, конституциявий судлов жараёнида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этилганлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳажми ва қўлами, хусусан, унинг моддалари 128 тадан 155 тага қўпаяётгани, амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгартиришлар киритилаётганини инобатга олиб, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши асосли эканини қайд этган.

Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципига мос келиши, ушбу масала юзасидан қабул қилган якуний қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини қабул қилишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этилган, деган хулосаларга келди. Айни пайтда Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида Олий Мажлис палаталари томонидан референдумни тайинлаш тартибига риоя этилганлиги, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида белгиланган референдум ўтказилишини истисно этадиган ҳолатлар мавжуд эмаслиги қайд этилди.

Шу ўринда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида конституциявий назорат институти янада ривожлантиришга қаратилган нормалар мустаҳкамланганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, Конституциянинг 132 ва 133-моддаларига асосан, Конституциявий суд референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш ваколатига эга бўлди. Бу принципал жиҳатдан янги ваколат бўлиб, Конституциявий суд зиммасига катта масъулият юклайди.

Маълумки, референдум Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши ҳисобланади. Ўзбекистонда референдумда қабул қилинган қарор мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади ва давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан бирон-бир тарзда тасдиқ талаб қилмайди. Шунингдек, референдумда қабул қилинган қонун умумхалқ овоз бериши натижасида қабул қилинганлиги туфайли Асосий қонун каби олий юридик кучга эга бўлади. Референдумга қўйилаётган масалани Конституция нормаларига мувофиқли-

гини дастлабки конституциявий назорат тартибида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида референдумда қўйилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини қабул қилингунга қадар Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш амалиёти учраб туради. Бинобарин, янги Конституциянинг 133-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса бериш тўғрисида янги ваколат юкланди. Шубҳасиз, ушбу янги норма мамлакатимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланиш тартиби белгиланди. Мазкур норма ривожланган демократик давлатлар конституциявий судлари амалиётига мувофиқ бўлиб, судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, бугунги кунда Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, мазкур янгиликлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада ошириш, мамлакатда Конституция ва қонуннинг устунлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳулоса сифатида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этиш билан боғлиқ бунёдкорона ўзгаришларга Конституциямиз бевосита ҳуқуқий таянч ҳисобланади. Зеро, Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий кадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
академиги

Мамлакатимиз фуқаролари референдум орқали Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Асосий қонуни – Конституциясини яқдиллик билан маъқуллаб қабул қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, миллий Қомусимизнинг асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлди. Конституциямиз референдумга чиқарилишидан олдин унинг лойиҳаси мисли қўрилмаган ҳолда жамоатчиликнинг кенг қатламлари томонидан синчковлик билан муҳокамадан ўтказилгани, натижада 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушгани янги тахрирдаги Асосий қонунимиз том маънода халқ Конституцияси бўлганидан далолат беради. Миллий стратегик ривожланишимизнинг асоси сифатида қаралаётган бу ҳужжат бевосита халқимиз таклифлари асосида шакллантирилди.

Маълумки, 1992 йилдан буён Конституцияга жами 15 марта ўзгартириш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Қарийб икки йил давомида янгиланаётган Асосий қонунимизга фуқаролардан келиб тушган минглаб таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмади. Уларнинг ҳар бири юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шуниси эътиборлики, бу таклифларнинг ҳар тўрттадан биттаси инobatга олинди. **Янгиланиш натижасида Бош Қомусимиздаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Натижада Конституциямиз 65 фоизга янгиланди.**

Янги тахрирдаги Асосий қонунимизнинг энг муҳим жиҳати – унинг 1-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик,

ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб эътироф этилишидир. Бошқарувнинг республика шакли дейилганда, давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланиши тушунилади. Шунингдек, суверен давлат – ўз ҳудудида тўла-тўқис мустақил ҳукмронлик ва мутлақ юрисдикцияга эга бўлиш, демократия эса халқ ҳокимиятини ифода этиб, давлат бошқарувида сайланиш ва ўз вакиллариини сайлаш орқали барчанинг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланишини кўзда тутди.

Хуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан эса ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда. Ижтимоий давлатда ижтимоий адолатга қатъий амал қилиш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари амал қилиши, имконияти чекланган ва ёрдамга муҳтож фуқаролар қўллаб-қувватланиши, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибадор пенсия тизими жорий этилиши шарт.

Ижтимоий давлатда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланади, эркин ва адолатли

фуқаролик жамияти шакллантирилади. Шунинг учун Асосий қонунимизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар уч баробарга кўпайтирилди.

Дунёвий давлатда эса давлат ва дин бир-бирдан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил муносабатда, динга оид масалаларда ҳолис бўлади.

Янгиланган Конституциямизда ушбу тамойиллар ҳаётда амалга оширилиши мақсадида ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатни шакллантириш муҳрлаб қўйилди. Бу “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мақсади” сифатида белгиланишида ҳам ўз ифодасини топди.

Шуниси эътиборлики, Асосий қонунимизга ўқитувчининг жамият ва давлатни ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида алоҳида 52-модда киритилди: “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”¹.

Натижада эндиликда устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Конституцияда номи келтирилган ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси ҳуқуқ соҳаси вакиллари – судьялар, прокурорлар ва адвокатлар эди. Аввалги Конституцияда касб эгалари эмас, балки соҳалар – оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари ҳақида гап кетганди.

Ўқитувчилар ҳурматини Конституция даражасида мустаҳкамлаш уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, устозлар ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошири-

ши учун кафолатлар беришга хизмат қилади. Шунингдек, янги тизим ўқитувчилик касбини нафақат молиявий, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам жозибадор қилишга асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича барча куч ва ресурслар, сабб-ҳаракатлар сафарбар этилишини англатади.

Маълумки, меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Шунинг учун янги таҳрирдаги Конституциямизда меҳнатга оид янги қоидаларнинг белгилангани келгусида юртимизда ушбу соҳадаги ислохотлар тизимли равишда жамият ва халқ учун зарурлиги тамойили асосида амалга оширилишини кафолатлайди.

Асосий қонунимизнинг 42-моддасида қайд этилганидек, “*Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.*

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади”².

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоялаш, муносиб меҳнат учун муносиб иш ҳақи билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг асосий шартларидан биридир. Шунинг учун янги таҳрирдаги Конституциямизда меҳнат ҳуқуқи ва уни амалга оширишга оид жуда муҳим нормалар белгилаб қўйилди. Энг аввало ҳар кимнинг муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилди. Конституциявий ислохотлар доирасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи янгича қараш билан бойитилиб, “муносиб” сўзи билан тўлдирилди. Эндиликда “муносиб меҳнат” деганда, адолатли иш ҳақи тўланадиган иш жойлари, етарли меҳнат шароитлари ва ишончли ижтимоий ҳимоя кўзда тутилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>.

² Ўша манба.

Шунингдек, ҳар ким хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги белгилангани ҳам муҳимдир. Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитлари деганда, хавфсизлик стандартлари, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари талаблари асосида иш жойларини ташкил этиш тушунилади. Бундай шароит ходимларни касб касалликлари, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлардан муҳофиза қилади, улар соғлиғига зарар етишининг олдини олади.

Ушбу масала бўйича 2006 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон 2021 йилда ушбу ҳужжатни ратификация қилган.

Асосий қонунимизда, шунингдек, *“Ҳар ким меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга”*, деган норма белгиланди. Бу ҳуқуқ амал қилиши учун ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдори белгиланади. Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон асосий эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағга эга бўлиши керак. Ўз навбатида, давлат шахсга меҳнатига яраша иш ҳақи тўланишининг чораларини кўриши ва кафолатларини таъминлаши, иш берувчи эса ходим олдидаги мажбуриятларини бажариши шарт.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори тушунчаси халқаро даражада қабул қилинган бўлиб, бутун дунёда кенг тарқалган ижтимоий адолат принципларидан биридир. Бу меъёр мамлакатимизнинг халқаро ҳужжатлар асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларида ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир ишловчи шахс муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг ривожланаётган давлатлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашга оид конвенциясида энг кам иш ҳақи даражасини аниқлашда мамлакатдаги иш ҳақининг умумий даражаси, истеъмол нархлари, ижтимоий

нафақалар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг қиёсий турмуш даражасини ҳисобга олиш кераклиги кўрсатилган. Иш берувчилар ходимга иш ҳақини белгилашда юқоридаги талабларни инобатга олишлари лозим. Мазкур янги норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечириши учун етарли бўлишида, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлашда амалий аҳамиятга эга.

Янгиланган Конституциямизнинг 43-моддасида: *“Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради”*, деб қайд қилинган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш орқали 2026 йилгача камбағалликни камида икки бараварга камайтириш белгиланган. Бунинг учун, норасмий ишлаётган фуқароларнинг бандлигини қонунийлаштириш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини икки бараварга камайтириш, касбга ўқитиш кўламини икки ҳисса ошириш, яъни 1 миллион нафар ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган³.

Ўзбекистонда фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар қаторида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар рўйхатини (“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”) шакллантириш орқали маҳаллалар кесимида иш олиб бориш йўлга қўйилган.

Фуқароларимизнинг хорижда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш борасида ҳам уларни касбий тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ давлатлардаги 475 дан зиёд иш берувчи-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

лар билан шартномалар тузилиб, ишга жойлаштириш, ўқитиш, суғурталаш, кредит ёки микроқарз бериш каби 10 га яқин хизматлар меҳнат мигрантларига кўрсатилмоқда.

Умуман, кейинги йилларда Ўзбекистонда меҳнат муносабатларига нисбатан янгича ёндашувлар татбиқ этилаётгани диққатга сазовордир. Мамлакатимизда мулкдорлар ва иш берувчилар сони кескин ошмоқда, меҳнат ресурслари қарийб 19 миллион кишига етиб, корхоналар сони сўнгги уч йилда икки баробар кўпайди. Жисмоний шахсларга ҳам иш берувчи мақоми бериладиган бўлди. Меҳнат бозорида эса янги ислохотлар бошланди. Табиийки бу ҳаётий янгиланишлар меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси тасдиқланди.

Амал қилиб келган Меҳнат кодекси 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, ўша пайтда хусусий сектор улуши атиги 21 фоиз бўлган, ҳозир эса бу 83 фоиздан ошгани туфайли янги таҳрирдаги кодексда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар, аҳоли бандлигини ошириш бўйича муҳим ҳуқуқий асослар белгилаб қўйилди.

Меҳнат қонунчилигининг асосий йўналишлари белгиланган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг ҳажми амалдагисига нисбатан 2,5 баробар катта бўлиб, 600 га яқин моддани ўз ичига олган. Унда бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишни назарда тутувчи кўплаб меъёрлар ўз аксини топган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида яқка тартибдаги меҳнатга оид ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш каби масалалар асосий мақсадлар сифатида белгилангани диққатга сазовор. Хусусан, кодексдан меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатлангани, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги каби нормалар ўрин олган.

Кодексда меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш принципи белгиланган бўлиб, унда меҳнат ва машғулотлар соҳасида ходимларнинг ҳуқуқларини меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки юқориқроқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (оилавий вазифаларни бажариш билан банд бўлган шахслар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик билан боғлиқ ҳолда асосланган тарзда фарқлаш, истисно этиш, уларга афзаллик бериш, шунингдек уларни чеклаш камситиш деб ҳисобланмаслиги қайд этилди.

Эндиликда давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди. Мазкур тоифага қуйидагилар киради:

- 14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар;

- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

- “Меҳрибонлик” уйлариинг битирувчилари, шунингдек олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

- Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

- ногиронлиги бўлган шахслар;

- пенсияолди ёшидаги шахслар (қонунда белгиланган пенсия ёшига қадар икки йил олдин);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар ёки суднинг қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

- одам савдосидан жабрланганлар⁴.

Хулоса қилиб айтганда, конституциявий ислохотлар натижасида янгиланган, халқимиз, ҳар бир фуқаромиз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатлайдиган Асосий қонунизмни ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям” деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олади.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон / <https://lex.uz/docs/6257288>.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЎБИНИНГ КАФОЛАТИ



Мавжуда РАЖАБОВА,
ИИВ Академияси “Жинойт
ҳуқуқи” кафедраси профессори,
юримик фанлар доктори

Маълумки, жаҳондаги аксарият давлатлар ўз конституциясини қабул қилиш орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлат сифатида суверенитетини намоён этади.

Ўз навбатида, ҳар бир давлат конституция тимсолида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари принципларига содиқлигини дунё жамоатчилигига маълум қилади, давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлинишини мустаҳкамлайди, миллий давлатчиликка хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда муҳим ҳуқуқий жиҳатларни акс эттиради ва шу тарзда халқаро майдонда обрў-эътибор қозонишга интилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, айрим давлатларда (Англия, Швеция, Норвегия ва бошқалар) биздаги каби махсус ёзилган конституциянинг ўзи йўқ ва унинг ўрнига турли номдаги конституциявий қонунлар қабул қилинган.

“Конституция” юримик атамалар ичида энг муҳим ва кўп ишлатиладиган сўздир. Ушбу атамалар лотин тилидан олинган бўлиб, “ўрнатиш, тузилиш” деган луғавий маънони англатади¹. Унинг юримик моҳияти жуда кенг ва қисқача ифодалаганда, конституция – қонунларга нисбатан олий юримик кучга эга бўлган асосий қонундир. Кенг маънода, “Конституция – инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамловчи ва кафолатловчи, шунингдек ижтимоий тузум асосларини, бошқарув шакли ва давлат тузилиши асосларини, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг

ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгиладиган қонун ҳужжатидир”². Конституция ҳар қандай юримик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатни қабул қилишда асосий ўзак, таянч ва суянч вазифасини ўтайди.

Инсоният тарихининг ҳозирги давргача босиб ўтилган тараққиёт йўлида, хусусан, Қадимги Рим ёки Афина давлатларида конституцияга оид бугунги кунда ҳам аҳамиятли бўлган ғоялар, илмий қарашлар илгари сурилгани мазкур юримик ҳужжатнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга эканини англатади.

Миллий давлатчилигимизнинг ислом ҳуқуқи билан боғлиқ тарихий-ҳуқуқий ривожда конституцияга эҳтиёж сезилмаган ҳамда ўтган асрнинг биринчи чорагида Россияда рўй берган “Октябрь тўнтариши”дан кейин бутун бошли Марказий Осиё босиб олинганидан сўнг, дунёвийлик асосида давлатчилик давом этирилган ва конституция қабул қилиниб, бир неча маротаба янгиланган.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида эса, яъни 1992 йилнинг 8 декабрида амалдаги Конституциямиз қабул қилинди.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида, айниқса, кейинги олти-етти йил давомида жамиятда туб бурилиш рўй берди. Жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилди. Натижада улкан ютуқлар қўлга киритилди, тарихий ўзгаришлар рўёбга чиқди. Айниқса,

¹ Қаранг: Словарь иностранных слов. – Москва: “Русский язык медиа”, 2004. – 333 с.

² Ўзбекистон юримик энциклопедияси. – Т.: “Адолат”, 2010. – 252-б.

жамиятда очиқлик ва шаффофлик таъминланмокда, бу жараёнлар давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмокда. Фикрлар хилма-хиллиги асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ишлари янги мазмун-моҳият билан бойитилиб, инсон кадрини юксалтириш давлат бошқарув органлари ёки тузилмалари фаолиятининг муҳим мезони сифатида белгиланди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини амалда таъминлаш бўйича катта қадамлар ташланмокда.

Ўз навбатида, бу жараёнлар ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уларнинг моҳиятини бойитишни тақозо этмокда. Шунингдек, шиддат билан ўзгараётган ва глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ҳозирги шароит Ўзбекистон олдига ўз манфаатларини халқаро майдонда янада фаол илгари суриш вазифасини қўймоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, халқаро ҳам-жамият томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар эътироф этилиши билан бирга ислохотларни янги ва янада самарали босқичга кўтариш учун конституциявий ислохотлар зарурлигига оид фикрлар ҳам таъкидланди.

Шу боис, Конституциямизни янгилаш ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилди ва 2022 йилнинг май ойида Асосий қонунимиздаги кўплаб нормаларни мазмунан бойитиш, унга янги нормаларни киритиш ёки айримларини янги таҳрирда баён қилиш мақсадида Олий Мажлис томонидан Конституция матнини тайёрлаш вазифаси тегишли комиссия зиммасига юкланди.

Мазкур комиссия иш бошлаган дастлабки кундан Конституцияга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан барчанинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари муҳимлиги эълон қилиниб, кенг жамоатчиликдан мулоҳазаларни юбориш сўралди. Тез орада жамият тараққиётидан манфаатдор аҳоли ўзининг таклифларини билдиришга астойдил киришди. Барча минтақа ва ҳудудларда оддий одамлар, олимлар, мутахассислар, чет давлатлардаги ватандошларга ҳам фикр билдириш учун минбарлардан, оммавий ахборот воситаларидан кенг ўрин берилди.

Шу ўринда муҳокамаларда иштирок этган ҳар бир инсон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган ҳуқуқларидан кенг фойдаланганини ҳам қайд этиш жоиз.

Мазкур қонунга мувофиқ, жисмоний ёки юридик шахслар давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини тегишли органларга юборишга (ҳатто электрон тарзда ҳам) ҳақлидирлар.

Фикримизча, айнан мазкур қонун берган имкониятлар натижасида кўпчилик аҳоли ўзининг Конституцияни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларини ҳеч кимнинг монелигисиз оғзаки ёки ёзма тарзда ифодалай олди ва уларни комиссияга етказди.

Комиссиянинг ҳисоботларидан маълум бўлдики, аҳоли томонидан минглаб таклиф-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг ҳар бири мутахассис, олимлар томонидан ўрганилиб, умумлаштирилган ҳолда Конституциянинг тегишли моддаларида акс эттирилди.

Кези келганда Олий Мажлис комиссияси ўз фаолиятини босқичма-босқич, яъни изчиллик билан тизимли тарзда амалга оширганини ва мазкур жараённинг фаол иштирокчилари қаторида бўлганимдан хурсанд эканимни алоҳида қайд этмокчиман.

Фикримизча, комиссия фаолиятининг **биринчи босқичи** уни шакллантириш жараёнларини ва парламент палаталарининг тегишли қарори қабул қилиниши учун сарфланган вақтни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич эса комиссия иш бошлаганидан бошлаб, аҳолига Конституцияни янги таҳрирда тайёрлашнинг заруратини тушунтириш ва таклифлар, фикр-мулоҳазаларни тўплаш билан боғлиқ бир неча ойлик жараёндан иборат бўлди. Бу жараёнда фуқаролик жамиятидаги фаоллар, айниқса, турли соҳа мутахассислари ҳамда олимлар томонидан тадбирлар ёки ОАВ орқали таклифлар асносида қизғин баҳс мунозаралар олиб борилгани кузатилди.

Учинчи босқичда аҳоли томонидан билдирилган барча таклифларни комиссияга етказишда жамоатчилик вакиллари фаол ҳаракат қилди. Бир неча маҳалладошларим мендан комиссияга таклифларни қандай юбориш кераклиги ҳақида маслаҳат сўраганини, таклифларини асослаш учун кўплаб ёш олимларнинг биз билан баҳс-мунозара қилганини мамнуният билан таъкидлайман.

Тўртинчи босқичда комиссия томонидан мутахассис ва олимларни жалб этган ҳолда аҳолининг ҳар бир таклиф ва фикр-мулоҳазаси тоифалаштирилиб, умумлаштириш ўтказилди.

Комиссия фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида тизимли тарзда маълумотлар тарқатиб борилганини ҳам алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Шундай қилиб, Конституциядан ўрин эгаллаши мумкин бўлган у ёки бу қўшимча ёхуд киритилиши мўлжалланган янги нормаларга оид таклифлар кўпчилиكنинг эътиборини ўзига торта бошлади.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари билан боғлиқ конституциявий моддаларнинг кўпчилиги янги мазмун-моҳият билан бойитилиб, замонавий давлатчилигимизнинг асосини ташкил этаётгани ана шу таклифларнинг маҳсулидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Конституциявий ислохотларнинг ўзига хос энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам халқимиз томонидан билдирилган таклифлар қўламининг кенглиги, узлуксизлиги ва бу жараён комиссия фаолиятининг барча босқичларида давом этганидир. Зотан, салкам бир йил давомида аҳоли томонидан билдирилган муносабатлар ортиб борса бордики, лекин камаймади.

Албатта, ҳамма ўринли ва ижобий таклифларни илгари сурди, деган фикрдан йироқмиз. Асосийси, жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги бу сафар ҳам Ўзбекистон халқининг хур ва ҳамфикр эканини кўрсатди.

Бешинчи, яъни ҳал қилувчи босқичда минглаб таклиф ҳамда тавсияларни тартибга солиш ва айна пайтда батафсил таҳлил қилишга киришилди. Бу жараён бир неча ойга чўзилиб, комиссия томонидан Конституция лойиҳаси шакллантирилиб, Парламентнинг қуйи палатаси муҳокамасига киритилди. Парламент қуйи палатаси томонидан референдум ўтказиш учун қабул қилинган ва юқори палата томонидан маъқулланган Конституциявий қонуннинг лойиҳаси юзасидан ўтказилган таҳлилларга кўра, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган Конституция 155 та моддадан (олдингиси 128 та моддадан ташкил топган эди) иборат бўлиб, амалдаги Конституцияга нисбатан 65 фоизга такомиллаштирилган. Аксарият янги нормалар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини кенгайтириши баробарида уларни рўёбга чиқариш механизмини ҳам мустаҳкамлайди ва бу ҳуқуқлар ҳимоясини янада мустаҳкам кафолатлашга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Қонунчилик палатасининг таклифига кўра “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси

Конституциявий суднинг мажлисида муҳокама қилиниб, ижобий ҳулоса берилди.

Референдум учун эълон қилинган Конституциявий қонун лойиҳасида Конституцияни такомиллаштириш бўйича билдирган таклифларимнинг олтитаси акс этганидан, айниқса, фахрланаман.

Гап шундаки, 2022 йилнинг 2 июнь куни Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан “Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш: бугунги ҳолат ва истиқболлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилганди. Мазкур тадбирда билдирилган таклифларимиз умумлаштирилган ҳолда “Ишонч” газетаси орқали жамоатчилик эътиборига етказилди. Орадан бир йил ҳам вақт ўтмасидан референдум муносабати билан матбуотда эълон қилинган Конституциявий қонун лойиҳасида улар ҳам эътиборга олинганига гувоҳ бўлдик.

Дастлабки таклифимиз Конституциянинг 1-моддасига “ва дунёвий давлат” жумласини қўшиш билан боғлиқ эди. Зеро, Ўзбекистондаги замонавий давлатчилиكنинг асл моҳиятида дунёвийлик асосида суверен, демократик ҳуқуқий давлат куриш мужассамдир. Бундай дейишимизга кўплаб ҳуқуқий асослар мавжуд.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 75-моддасида диний ташкилотлар давлатдан ажратилгани ҳамда қонун олдида тенглиги, давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмаслиги баён этилмоқда.

Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини ҳам кафолатлайди. Қолаверса, Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган тартиб-таомиллар ёрдамида амалга оширилади.

“Дунёвий давлат” тушунчасининг пайдо бўлиши ўрта асрларда Европадаги тафтиш маҳкамаси (инквизиция), яъни черков руҳонийлари томонидан жамиятда содир этилган қийноқлар, асоссиз зулмлар (жазолаш, кўпчилик ҳолларда ўлим жазосини қўллаш) билан изоҳланади. Ўшанда, “Охир-оқибат кўплашиб, дин қандай бўлиши кераклигига келишиб олдилар. Динни черков биноси ичига олиб кириб жойлаштирдилар. Унга ўшадан ташқарига чиқмасликни яхшилаб уқтирди-

лар”³. Шу тариқа давлат диндан ажратилган, деган ғоя давлатчиликнинг муҳим принципига айланиб, ҳозирги давр конституцияларидан ўрин эгаллади.

Ўзбекистон жамияти нафақат кўп миллатли, шу билан бирга турли динларга эътиқод қилувчи ҳамда конфессиялар бирлашиб яшовчи ягона халқдан иборат экани Конституциямиз муқаддимасида ёзиб қўйилган. Фикримизча, айнан шу ҳолат инобатга олингани боис, Конституциянинг 35-моддасида: *“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”*⁴, деб ёзилган.

Иккинчи таклиф “Конституция ва қонуннинг устунлиги” деб номланган учинчи бобдаги нормалардан бирига Конституциядаги нормалар тўғридан-тўғри амал қилишини ақс эттириш билан боғлиқ. Бунинг ҳуқуқий асоси ҳозирда амалда бўлган Конституциянинг 15 ва 16-моддалари мазмунидан ҳам очиқ-ойдин сезилиб туради. Бундан ташқари, МДХ давлатлари асосий қонунларида айнан шундай тушунчалар мавжуд. Қолаверса, Конституциядаги нормалар тўғридан-тўғри қўлланилиши ушбу ҳужжатнинг ўзида ақс этиши унинг олий юридик кучга эга эканини янада мустаҳкамлайди.

Учинчи таклиф мазкур Асосий қонунимиздаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга оид нормалар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ёки имзоланган халқаро шартномалардаги тушунчалар, тартиб-таомиллар асосида батафсил таҳлил қилиниб, уларга аниқлик киритиш лозимлиги тўғрисида билдирилган эди ва бу масалада ҳам оқилона ечим топилган.

Тўртинчи таклиф Олий Мажлиснинг юқори палатасида доимий асосда узок йиллар фаолият кўрсатган давримдаги амалий тажрибаларга таянган ҳолда Конституциядаги қонунчилик ташаббуси субъектлари қаторига “Сенат ёки сенаторлар” жумласини қўшиш лозимлиги ҳақида эди. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциянинг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳам таклифларини қонунчилик

ташаббуси тартибда Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани белгиланди.

Бешинчи таклифда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Бош вазир фаолиятига оид узундан-узон, бир неча қисмдан иборат бўлган битта нормани бир нечта моддадан иборат тарзда ажратиб ифода лозимлиги назарда тутилган. Мазкур тавсия ҳам комиссия томонидан инобатга олинди.

Олтинчи таклиф бир неча йиллардан буён маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда охириги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тез-тез тилган олинаётган маҳаллий давлат ҳокимиятининг бўлинишига оиддир. Яъни, ҳоким ва халқ депутатлари Кенгашларини ажратиш билан боғлиқ нормаларнинг Конституциядан ўрин эгаллаши ўта долзарбдир. Муҳими шундаки, янги таҳрирдаги Конституцияда мазкур масалага ҳуқуқий ечим сифатида қатор моддалар ўрин эгаллади. Хусусан, янги қондаларга мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимияти вакиллик органи бўлиб, уни депутатлар орасидан сайланадиган раис бошқаради, ҳоким эса тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади.

2023 йилнинг 30 апрелида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини қабул қилиш бўйича референдум ўтказилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг 84,51 фоизи иштирок этди. **Иштирок этган овоз берувчиларнинг 90,21 фоизи Конституциявий қонун лойиҳасини қўллаб қувватлади.** Шу тариқа мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси қабул қилинди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар замирида замонавий давлатчилигимизга хос хусусиятлар ёрдамида жамиятни демократлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга давлат ва жамият ғамхўрлигини янада кучайтириш, жаҳонда давлатимизнинг нуфузини янада ошириш каби эзгу мақсадлар мужассам. Бу мақсадларни рўёбга чиқаришда янги таҳрирдаги Конституция ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

³ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2019. – 418-бет.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель кунин ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида қабул қилинган / <https://lex.uz/docs/6445145>.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ



Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати аъзоси

Аннотация. Мақолада янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган таълимга доир нормалар, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури, таълим олиш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, референдум.

Abstract. The article covers the norms for Education established in the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the new edition, as well as the importance of the world education program in the field of human rights.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, World Programme for Human Rights Education, right to education, human rights, education in the field of human rights, referendum.

Аннотация. В статье освещаются нормы образования, установленные Конституцией Республики Узбекистан в новой редакции, а также значение Всемирной программы образования в области прав человека.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, Всемирная программа образования в области прав человека, право на образование, права человека, образование в области прав человека, референдум.

2023 йил 30 апрелда юртимизда муҳим сиёсий жараён – “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини тасдиқлаш бўйича референдум ўтказилди. Унда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 16 млн 667 минг 97 нафари иштирок этиб, шундан 90,21 фоиз ҳамюртларимиз Конституциявий қонун лойиҳасини тасдиқлаб овоз берди¹. Референдум натижалари асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Янгиланган Асосий қонунимиз “инсон – жамият – давлат” тамойили негизда инсон кадр-қиммати ҳамда халқ манфаатлари устуворлигига қаратилган нормалар билан бойитилган. Жумладан, фуқароларнинг сифатли таълим олишини таъминлашга алоҳи-

да эътибор қаратилиб, Конституциямизнинг 50-моддасида куйидаги нормалар мустаҳкамланган:

“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди.

Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади”².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “2023 йил 30 апрелда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари тўғрисида”ги қарори // <https://saylov.uz/uz/news/2023/05/01/1245-2023-yil-30-aprelda-otkazilgan-ozbekiston-respublikasi-referendumining-yakunlari-togrisida-2>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон / <https://lex.uz/docs/6445145>.

Кайд этиш ўринлики, ушбу модда мамлакатимиз ратификация қилган халқаро ҳужжатлар, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларига мувофиқ ҳисобланади. Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо маърифат ва таълим йўли билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳурмат қилинишига қўмаклашиши зарурлиги таъкидланган. Декларациянинг 26-моддасида эса ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозимлиги қайд этилган³.

Албатта, таълим олиш – инсон шахсиятини шакллантирувчи, уни маънавий камолотга етакловчи фундаментал ҳуқуқлардан биридир. Таълим тизими, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш орқали кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин.

“Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорида таъкидланганидек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир”⁴.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – инсон ҳуқуқлари бўйича билим, кўникма ва дунёқарашни шакллантириш орқали инсон ҳуқуқлари умумий маданиятини яратишга йўналтирилган тизимли таълимдир. Ушбу таълим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича билим ва кўникмаларни тарқатиш орқали амалга оширилади⁵.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти етакчи роль ўйнамоқда. БМТ шафелигида 1993 йилда Вена шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва маърифатга алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб муҳим тақдирлар илгари сурилгани ва улар

асосида кейинги 30 йилда муҳим ишлар амалга оширилгани фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, 1994 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йил 1 январдан 2004 йил 31 декабргача бўлган даврни ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ўн йиллиги эълон қилинган. Ушбу ўн йилликни баҳолаш натижасида 2004 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури қабул қилинган.

Жаҳон таълим дастури инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий саъй-ҳаракатларни муайян тармоқлар ва муаммоларга йўналтирувчи кетма-кет босқичлардан иборат:

биринчи босқич: 2005 – 2009 йиллар – мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёнлари қамраб олинган;

иккинчи босқич: 2010 – 2014 йиллар – олий таълим тизими, шунингдек, ўқитувчи-мураббийлар ва давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланган;

учинчи босқич: 2015 – 2019 йиллар – оммавий ахборот воситалари вакилларида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилган;

тўртинчи босқич: 2020 – 2024 йиллар – инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури доирасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни такомиллаштириш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги миллий ва халқаро стандартлар тўғрисида хабардорлигини, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада юксалтиришдан иборат⁶.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланган Конституциямиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантиришнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилади.

³ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат”, 2023. – 32 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // <https://president.uz/uz/lists/view/5891>.

⁵ Мамасолиев С. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари: тарих ва бугун // <https://insonhuquqlari.uz/uz/news/m10003>.

⁶ Қаранг: Юнусова Н. Янги Конституция ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим истиқболи // <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m10242>.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОНСТРУКТИВ ҲАМКОР- ЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ*



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюркни қабул қилди.

Инсон манфаатларини илгари суриш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида Ўзбекистон билан БМТ тузилмалари ўртасидаги конструктив мулоқот ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистондаги ислохотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлади.

БМТ Олий комиссари Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни илгари суриш, суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани, мамлакатимиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгани, кийноқларнинг

олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани, шунингдек, можаролар ҳудудларидан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани, улар қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йиллар даврига сайлангани ҳамда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида ёшлар ҳуқуқларига оид Кенгашнинг қатор резолюциялари қабул қилингани инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларнинг кенг эътирофи бўлди.

Олий комиссар БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёригини билдирди.

Учрашув якунида конструктив мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

* <https://president.uz/uz/lists/view/6044>.

БМТ ОЛИЙ КОМИССАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗДА



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк бошчилигидаги делегация 13 – 15 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташрифнинг дастлабки куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк билан учрашув ташкил этилди.

Унда делегация аъзолари – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Европа ва Марказий Осиё департаменти раҳбари Хулан Цедев, ушбу департаментнинг инсон ҳуқуқлари бўйича масъул ходими Жоана Микель Желаберт, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг матбуот котиби ўринбосари Жереми Лоранс, Олий комиссар бошқармасининг медиа ходими Энтони Хидли, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи Консуело Видал Брюс,

шунингдек, Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий вакили ўринбосари Фабио Пиана ва Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси миллий дастурлар мувофиқлаштирувчиси Гулжаҳон Аманова ҳам иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Мамлакатимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг самарали ва мустақил фаолият юритишини қўллаб-қувватлаши, кейинги даврда БМТнинг мазкур бошқармаси билан ўзаро ҳамкорлик амалий руҳда изчил ривожланаётгани қайд этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқла-

ри маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқ ҳамда камчиликларни бартараф этиш очик-ойдин кўрсатилгани уни амалда татбиқ этишни осонлаштирмоқда.

Мамлакатимиз БМТнинг устав ва шартномавий органлари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси кўмагида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Универсал даврий ҳисоботи механизми доирасида берилган тавсияларнинг бажарилиши бўйича ўз маърузаларини тайёрлаш борасида илғор давлатлардан бирига айлангани ҳам буни тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилишини таъминловчи давлат органи ҳисобланади. Миллий марказ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаб, тегишли тартибда тақдим этиб келмоқда.

Миллий марказ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ўринда 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” мавзусидаги Глобал форум БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий

комиссари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Шу муносабат билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк Глобал форум иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бўйича зиммасига олган мажбуриятларини бажариш ҳамда бу борада бошқа мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган самарали саъй-ҳаракатларини юқори баҳолагани яна бир бор эътироф этилди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан такомиллаштиришда жинсий жазо кўзда тутилган айрим нормаларни имкон қадар камайтириш ёки юмшатиш ижобий натижаларни бериши таъкидланди. Ф.Тюрк ўзи раҳбарлик қилаётган БМТ бошқармаси ушбу йўналишдаги қонун лойиҳаларининг халқаро андозаларга қанчалик мослигини ўрганиб, тегишли тавсиялар беришга ҳамиша тайёр эканини маълум қилди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг бошқа соҳаларини ҳам атрофлича муҳофаза қилдилар.

Шу куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ биносида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк раҳбарлигидаги делегация билан мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбарлари ўртасида ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев, Адлия вазири Акбар Тошқулов ва Ички ишлар вазири Пўлат Божонов иштирок этди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан суҳбатда ушбу тузилмаларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштирокига дахлдор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ФОЛЬКЕР ТЮРК: “МЕН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАРКАЗИЙ ЎРИН ТУТИШИГА БЎЛГАН ҚАТЪИЙ ИШОНЧНИ БЕҲАД ҚАДРЛАЙМАН”

Шу йил 13-15 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Мўътабар меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди.

БМТ Олий комиссари ташрифи давомида Олий Мажлис Сенати раиси, Олий суд раиси, Бош прокурор, Ташқи ишлар, Ички ишлар ва Адлия вазирлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари билан учрашди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази раҳбарияти ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), шунингдек, фуқаролик жамияти фаоллари, аҳоли вакиллари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло Тиллабоев билан мазкур учрашувлар тафсилоти, мулоқотлар мавзуси ва ташриф якунлари ҳақида суҳбатлашдик.

Фолькер Тюркнинг эътирофлари

– *Фолькер Тюрк сўнгги олти йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида амалга оширилган фундаментал ўзгаришларни ижобий баҳолаганига муносабатингиз қандай?*

– БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқоти асносида бу ҳақда очиқ баёнот берди. Ушбу баҳо, бир тарафдан, Ўзбекистон томонига ғурур ва ифтихор туйғуларини бахш этса, иккинчи тарафдан, ишонч ва масъулият юкини янада оширади.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувда БМТ Олий комиссари, хусусан:

• Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш;

• гендер тенгликни таъминлаш;

• суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятлари;

• Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани;

• мамлакатимиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгани;

• қийноқларнинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани;

• можаролар ҳудудларидан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани;

• уларнинг қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароитлар яратилганини юқори баҳолади.

Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021 – 2023 йиллар даврига сайлангани ҳамда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида Кенгашнинг ёшлар ҳуқуқларига оид катор резолюциялари қабул қилингани инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларнинг кенг эътирофи бўлди.

Олий комиссар БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар ўз ташрифи юзасидан ўтказилган брифингда, жумладан, шундай деди: **“Инсон ҳуқуқлари ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида марказий ўрин тутмоғи лозим. Мен олий комиссар сифатида янги ислохотлар шароитида Ўзбекистон барча аҳоли вакилларига муносиб ва тўлақонли яшаш имконини тақдим этишига ишонаман”**.

Ташрифдан бош мақсад – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш

– БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ташрифидан кўзланган асосий мақсад нима?

– Албатта, ташрифнинг бош мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, бу борадаги ислохотларнинг қатъийлигига бевосита ишонч ҳосил қилиш ва ўзаро ҳамкорлигимизнинг ҳозирги ҳолати натижадорлигини таҳлил этган ҳолда, истиқболдаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олишдир. Ф.Тюрк ва унинг делегацияси аъзолари иштирокидаги барча мулоқотларда айнан шу мавзуда сўз юритилди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида бўлиб ўтган учрашувда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари



маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этгани таъкидланди.

– БМТ Олий комиссарининг Ташқи ишлар вазири ва Омбудсман билан учрашувларида инсон ҳуқуқлари мавзусининг айнан қайси жиҳатлари муҳокама қилинди?

– Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди. Ҳар икки томон сўнгги йиллардаги алоқаларимиз Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларни давом эттиришдаги қатъиятини намоён этишини эътироф этдилар.

Ўз навбатида, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан учрашувда Омбудсман институтининг асосий фаолият йўналишлари, жумладан мурожаатлар билан ишлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга амалга оширилаётган мониторинг ташрифлари ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Омбудсман БМТнинг тегишли қўмиталарига халқаро Конвенциялар ижроси бўйича муқобил маърузалар киритиб бориши ва 2023 йилда мазкур йўналишдаги ишлар янада кучайтирилиши таъкидланди.

Ўзбекистоннинг гендер масалалари бўйича янги ҳуқуқий қадамлари олқишланди

– БМТ Олий комиссари билан Сенатда бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим жиҳатларини қисқача санаб берсангиз?

– Биринчидан, Фолькер Тюрк Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришилган натижаларни ва ҳозирда

амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Иккинчидан, Олий комиссар Ўзбекистоннинг можаролар юз берган ҳудудлардан аёллар ва болаларни қайтариш, уларни жамиятга реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо бериб, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўплаб давлатлар учун намуна эканини эътироф этди.

Учинчидан, суҳбат чоғида хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш, ижтимоий-инклюзив муҳит ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Шу ўринда БМТ Олий комиссари гендер тенглик масаласини Ўзбекистон Президенти қабулдан токи бошқа учрашувларда ҳам эътибор марказида тутганини таъкидлаш зарур. Масалан, Нукусдаги расмий мулоқотларда Ф.Тюрк Қорақалпоғистондаги таълим тизимида ушбу масалага нечоғлик эътибор қаратилаётгани, қизларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши учун қандай имтиёзлар мавжудлиги билан қизиқди.

Кейинчалик журналистлар билан мулоқотида БМТ Олий комиссари бу хусусда: **“Мен (музокаралар чоғи) сиёсий соҳадан ижтимоий йўналишга қадар – жамиятнинг барча жабҳасида гендер нотенглигини бартараф этиш масаласини кўтардим. Президент ва Сенат Раисининг ушбу нотенгликни бартараф этиш борасидаги қатъий иродасини олқишлайман. Гендер зўравонлиги учун жиноий жазо жорий этиш бўйича яқуний режани ҳам ижобий баҳолайман”**, деб таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари ва одил судлов

– *Фолькер Тюркнинг Олий суд раиси билан учрашувида ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг ҳозирги замон талаб ва мезонларига жавоб берадиган тизимини шакллантириш борасида амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар ҳақида сўз борган. Шундай эмасми?*

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу нуктаи назардан, мазкур учрашувда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик

жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири эканлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий жиҳатлари билан таништирилди. Соҳадаги ушбу туб ислохотлар одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек суд ҳокимияти мутақиллигини, судлар фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини мустаҳкамлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Мўътабар меҳмонга сўнгги олти йил мобайнида бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан қабул қилинган 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида маълумот берилди.

Қийноққа қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик

– *Қийноққа қарши кураш соҳасида қандай музокаралар олиб борилди?*

– Мамлакатимиз БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясини 1995 йил 31 августда ратификация қилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қийноқларга йўл қўймаслик учун зарур ташкилий-ҳуқуқий мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон конвенция доирасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига 5 та миллий маъруза тақдим этган.

Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциянинг Факультатив протоколига қўшили-

шига оид ташаббусни илгари сурди. Айни вақтда мазкур ташаббусни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

БМТ Олий комиссари билан Миллий марказда бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизнинг Қийноқларга қарши конвенция Факультатив протоколига қўшилиши йўлидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида БМТ махсус процедуралари билан амалий мулоқотини давом эттириши ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро майдондаги имижини янада яхшилаши нуктаи назаридан, ушбу Факультатив протоколнинг ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

– Қийноққа қарши кураш мавзуси яна қайси учрашувларда муҳокама қилинди?

– БМТ Олий комиссари ўз ташрифи якунлари бўйича брифингда: **“Ўзбекистон қийноқларнинг олдини олиш ва мониторинг қилиш бўйича муҳим механизм ҳисобланган Конвенциянинг Факультатив протоколининг ратификация қилиш устида ишлаётгани ҳақида ваъда олдик. Мен умид қиламан ва ишонаманки, бу ваъда тез фурсатда амалга ошади. Негаки, сўздан кўра амалиёт ҳамиша муҳим бўлиб келган”,** деб қайд этди.

Бунга қадар 13 март куни Ф.Тюрк мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарлари билан учрашувида ҳам, жумладан, ушбу масалани кўтарди. Миллий марказда ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Адлия вазири ва Ички ишлар вазири иштирок этди.

Ф.Тюрк инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритар экан, дунёнинг турли мамлакатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар маҳбуслар ва маҳкумларга нисбатан қийноқлар қўллаши ёки инсонийликка зид муомала-муносабатда бўлиши ҳолатлари учраётганига эътибор қаратди. Унинг фикрича, **“Қийноқларнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган саъй-ҳаракатнинг ўзи, афсуски, ҳали ушбу иллатга тўла барҳам берилганини аниқлатмайди. Шунинг учун давлатлар қийноқларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришда мунтазам давом этишлари зарур”.**

Мулоқотда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида демократик

янгилаштирилган йўлидан одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуг мақсади, аввало, халқимизни рози қилиш, инсон қадрини таъминлашга қаратилгани таъкидланди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида шиддатли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали давлат сиёсатини юритишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими алоҳида ўрин тутди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан мулоқот асносида ушбу тизимнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштирокига дахлдор масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Жумладан, Ф.Тюрк инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, хорижий юртларда қийин шароитга тушиб қолган ватандошларимизни мамлакатга қайтариш ҳамда жамиятга тўлақонли мослашишини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотларни ижобий баҳолади.

Юртимизда шахс ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш, инсон кадр-қимматини янада юксалтириш, айниқса, вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида маъсулият билан ёндашилаётгани эътироф этилди.

Шу билан бирга, Олий комиссар бошчилигидаги делегация аъзоларига Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси халқаро стандартлар, илғор миллий ва хорижий тажриба асосида тайёрланаётгани, қийноқ ва бошқа тазйиқлар ўтказилишининг олдини олиш борасида кўрилатган чоралар инсон ҳуқуқлари самарали рўёбга чиқарилишига хизмат қилиши ҳақида батафсил ахборот берилди.

Қорақалпоғистон заминидаги мулоқотлар

– БМТ Олий комиссарининг Нукусга сафари қандай ўтди?

– Ф.Тюрк 14 март куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси А.Оринбоев билан учрашди.

БМТ Олий комиссари бошқармаси делегацияси аъзоларига бугунги кунда Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил ахбо-

рот берилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида минтақа аҳолиси ҳаётининг фаровонлигини ошириш, саноатни тараққий эттириш ва инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли сиёсатнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Олий комиссар Қорақалпоғистонга сафари, ушбу учрашувнинг ташкил этилгани ва инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун мамнуният изҳор қилди. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон ҳаётининг барча соҳаларида қамровдор ислохотлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб турганини эътироф этди.

– Нукусдаги мулоқотларда яна қайси мавзулар тилга олинди?

– БМТ Олий комиссари Ўзбекистонда, шужумладан, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган қамровдор ислохотларни ижобий баҳолади. Бу ҳақда Ф.Тюрк Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари А.Данияров билан учрашувида маълум қилди.

Мулоқот асносида Олий комиссар бугунги кунда қорақалпоғистонлик ёшларнинг эътиборида турган масалалар билан қизиқди. Шунингдек, 2022 йилда Самарқандда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича глобал форумга ўхшаш йирик халқаро анжуманларни келгусида Нукусда ҳам ташкил этиш истиқболларига тўхталди.

Мулоқотлар давомида Ф.Тюрк атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашишда амалий қадамларнинг муҳимлигини таъкидлади. Орол денгизининг қуриши улкан фожеа эканини афсус билан қайд этиб, бу борада Ўзбекистон ва БМТ олиб бораётган самарали ҳамкорлик фаолияти изчил давом этишига ишонч билдирди.

– БМТ Олий комиссари қорақалпоғистонлик аҳоли вакиллари билан ҳам учрашдими?

– Олий комиссар Фолькер Тюрк бошчилигидаги делегация Нукус шаҳридаги “Амударё” маҳалласи фаоллари билан учрашди. Учрашувда маҳалланинг обрў-эътиборли ва ёши улуг инсонлари иштирок этди.

Мулоқот асносида давлат томонидан аҳолининг камбағал ва эҳтиёжманд қатламларига маҳалла орқали тизимли ёрдам кўрсатилаётгани,

маҳалла аҳли дуч келадиган кундалик муаммо ва ҳаётий масалалар ечимида мазкур ўзини ўзи бошқариш институти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Маҳалла раисининг ёшлар ишлари бўйича ёрдамчиси БМТ Олий комиссари бошқармаси делегацияси аъзоларига бу ерда яшайдиган навқирон авлод вакиллари ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

Хукуматнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, маҳаллада ёш тадбиркорларни рағбатлантириш ва уларга субсидия ажратиш йўлга қўйилган, “Ёшлар дафтари” изчил юритилмоқда. Маҳалла болаларининг хорижий тилларни ўрганишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари борасида ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари маҳалла етакчилари ва фаоллари билан юзма-юз учрашганидан мамнунлигини билдирди. Унинг фикрича, бундай очиқ мулоқотлар оддий аҳолининг турмуш тарзи, ҳаётий эҳтиёжлари ва орзу-ниятлари хусусида уларнинг ўзларидан беvosита маълумот олиш имконини беради.

Олий комиссар аҳоли социал-ижтимоий ҳаётида маҳалланинг тутган ўрнини ижобий баҳолади. Турмушда учрайдиган турли муаммолар, ёшлар тарбияси билан боғлиқ долзарб масалаларга оксоқоллар иштирокидаги жамоатчилик мулоқоти орқали самарали ечим топилиши чиндан ҳам муҳимлигини эътироф этди.

“Амударё” маҳалласига ташрифи якунида Ф.Тюрк маҳалла идораси биносини кўздан кечирди. Маҳалла аҳлининг яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари билан яқиндан танишди.

“Сахродаги Лувр” ва инсоннинг маданий ҳуқуқлари муҳофазаси

– И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи БМТ Олий комиссарига қанчалик манзур бўлди?

– БМТ Олий комиссари Нукусга сафарининг маданий жиҳати хусусида мазкур музейга ташриф буюргунига қадар ўтказган бир неча учрашувларида ҳам тўхталди. Ф.Тюрк, жумладан, “Ушбу сафарим доирасида Савицкий музейини томоша қилиш имконияти туғилганидан мамнунман, чунки ушбу маскан – маданий ҳуқуқнинг ўзига хос тимсоли бўлиб, бундай бой маданий мерос

билан яқиндан танишиш мен учун шараф ва ифтихордир”, деди.

Айни чоғда, сафардан мақсад фақат ушбу дунёга машҳур музейни томоша қилишдангина иборат эмасди. Бинобарин, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари иштирокида катта бир тадбир ўтказилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигига бағишланди. Унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк “**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари**” мавзусида маъруза қилди.

Миллий марказ томонидан И.В.Савицкий музейи билан ҳамкорликда онлайн ва офлайн тарзда ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон ёшлари вакиллари – юртимиздаги юридик соҳадаги олий ўқув юртларидан (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Термиз ва Нукус), шу жумладан, қорақалпоғистонлик талабалар қатнашди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Ф.Тюрк талаба-ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигига бағишланди

– *БМТ Олий комиссари иштирокида Савицкий музейида бўлиб ўтган тадбирнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?*

– Шу кунларда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигини нишонлаш бўйича бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда турли тадбирлар ўтказилаётгани бежиз эмас.

Чунки БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига мувофиқ, 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжат ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлиги, мулк, эътиқод ва сўз эркинлиги, фуқаролик, давлат бошқарувида қатнашиш, сайлаш ва сайланиш, оила, меҳнат ва дам олиш, таълим, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фой-

даланиш, маданият ва санъат асарларидан баҳра олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинганидан сўнг халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олди. Ўтган даврда жаҳон ҳамжамияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ва механизмлари орқали дунё микёсида риоя этилишига кўмаклашмоқда.

Жорий йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги кенг нишонланади. Декларация юбилеи арафасидаги глобал кўламли тадбирларга 2022 йил 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида старт берилди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан мазкур декларациянинг 75 йиллигига бағишланган бир йиллик тарғибот кампанияси ўтказилмоқда. Бу жараёнда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўтган даврдаги самарадорлиги, бугунги кундаги долзарблиги ва амалий хусусиятларини очиқ беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида ташкил этилган тадбир айни глобал кампаниянинг узвий давомидир. Бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам 2022 йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонлаш кампанияси бошлаб юборилган.

– *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги доирасида Ўзбекистонда яна қандай тадбирлар ўтказилди?*

– Бу ўринда, аввало, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” мавзусидаги Глобал форум ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Чунки Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кафолатланган ҳуқуқлардан бири – таълим олиш ҳуқуқи – барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга йўл очадиган бошланғич нуқтадир.

Таълим олиш ҳуқуқи – инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ҳамда ушбу ҳуқуқларни ўрганиш, шунингдек, жамиятимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш усуллари, воситаларини ҳам ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия – бу инсон ҳаёти мобайни-

да давом этадиган ва турли ёшдагиларга тегишли бўлган жараёндир.

Шу маънода, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури тасдиқлангани муҳим аҳамиятга эга.** Ушбу ҳужжат ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ташкил қилиш доирасида жорий йил 20-28 февраль кунлари мамлакатимизнинг бутун ҳудудида **“Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги”** ўтказилди.

Декларация инсонларнинг барчасига бирдек тегишли бўлган ҳуқуқларни ўз ичига олган бўлиб, шу кунгача дунёнинг **530 дан ортиқ тилига таржима қилинган.** Бу ўринда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташаббуси билан ушбу декларация ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилингани ва бир неча марта нашр этилиб, беғараз тарқатилганини қайд этиш лозим.

Яқинда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўзбек тилида (кирил ва лотин имлосида) ҳамда қорақалпоқ тилида алоҳида китобчалар шаклида яна нашр этилди. Бу ҳам инсоният тарихида илк бор инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган декларация 75 йиллигига мўъжаз тўхфа ҳисобланади.

Олий комиссарнинг янги стратегияси: фуқаролик жамияти билан фаол ҳамкорлик

– *БМТ Олий комиссари ўз таширфи давомида фуқаролик жамияти фаоллари билан мулоқотларга ҳам алоҳида эътибор қаратганини нима билан изоҳлайсиз?*

– Гап шундаки, Ф.Тюрк ушбу лавозимга сайланиши билан мазкур БМТ бошқармасида тараққиётнинг янги стратегияси, яъни фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги шерикликни кучайтириш мақсади белгилаб олинди. Бундай янгича ёндашув асосидаги ҳамкорлик, ўз навбатида, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини янада тўла таъмин этишга яқиндан хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Олий комиссар ўз таширфининг бошидаёқ фуқаролик жамияти фаоллари ва но-

расмий шахслар билан учрашди. Ташриф якунида эса фуқаролик жамиятининг узвий қисми бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил қилди.

Бундай ёндашув Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил сиёсатга уйғун ва ҳамоҳангдир. Фолькер Тюркнинг: **“Кучли фуқаролик жамияти муҳим мурват сифатида инсон ҳуқуқлари ғилдирагининг ҳаракатини таъминлайди. Нодавлат ташкилотлар ташқи аралашувсиз фаолият юрита олиши сув билан ҳаводек зарур”**, деган фикрлари Ўзбекистонда тўла қўллаб-қувватлангани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк бошчилигидаги делегациянинг ушбу таширфи натижасида:

биринчидан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларни давом эттириш борасидаги қатъияти яна бир бор ёрқин намоён бўлди;

иккинчидан, мамлакатимизда кейинги олти йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган муҳим ютуқлар халқаро мезонлар негизида ҳолис баҳоланди ва очиқ эътироф этилди;

учинчидан, Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди, хусусан, конструктив мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий комиссар Фолькер Тюрк билан суҳбати асосида кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистондаги ислохотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлагани бежиз эмас.

Гулом МИРЗО
суҳбатлашди

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАНДАН КЕЙИН ЖИНОЯТЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ТАВСИФЛОВЧИ ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.22.96.071



Икром МУСЛИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55-моддасида белгиланган жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатлар назарий ва амалий мисоллар орқали таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида ушбу моддани янада такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, жиноят, жазо, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, мулкӣ зарар, маънавий зарар.

Abstract. The article analyzes some cases of mitigating punishment established in Article 55 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan through theoretical and practical examples. Based on the analyses, a proposal has been developed to further improve this article.

Key words: Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, crime, punishment, mitigating circumstances, property damage, moral damage.

Аннотация. В статье на теоретических и практических примерах анализируются некоторые случаи смягчения наказания, предусмотренные ст. 55 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. На основе проведенного анализа разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию данной нормы.

Ключевые слова: Уголовный кодекс Республики Узбекистан, преступление, наказание, смягчающие обстоятельства, имущественный ущерб, моральный вред.

Жазо тайинлашда ҳисобга олинадиган жиноят содир этилгандан кейин жиноятчининг хатти-ҳаракатларини тавсифловчи жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар шахсларнинг жиноят содир этгандан кейинги ижобий хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадида белгиланган. Қуйида биз ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (ЖК) 55-моддасида белгиланган рўйхатда келтирилган айрим ҳолатларни кўриб чиқамиз.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар: айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин қўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш (ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” банди)¹.

ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” бандида мустаҳкамланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни мантиқан таҳлил қилсак, бу ўринда айбдор жиноят содир этгандан кейин унинг уч хил кўринишдаги хулқ-атвори назарда тутилганини ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. – 32-б.

уларнинг ҳар бири мустақил аҳамият касб этиши-ни англаймиз:

- 1) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш;
- 2) чин кўнгилдан пушаймон бўлиш;
- 3) жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш.

ЖКда “айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш” атамасига таъриф берилмаган. Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш деганда нима тушунилиши лозимлиги Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 113-моддаси 1-қисмида белгилаб қўйилган: “Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз – ариза берувчининг ўзи содир этган жиноятни тўғрисида у шу жиноятни содир этишида гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабаридир”². Айни ҳолда айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ЖПК 112-моддасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ баҳоланади. Хусусан, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”-ги 1-сон қарори 7-бандида қайд этилишича, айбни бўйнига олиб келиш кўринишидаги жазони енгиллаштирувчи ҳолат бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда судлар тергов органларига берилган ариза ёки жиноят тўғрисида тергов органи мансабдор шахсига қилинган хабар (ҳар қандай

шаклда) ихтиёрий бўлган-бўлмаганлигини ва бу ҳолат шахс жиноят содир этишдаги ўз иштирокини у гумон қилинувчи (айбланувчи) сифатида ушланган ёки гумон қилинувчи (айбланувчи) тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор унга эълон қилингандан сўнг тасдиқлаганлиги билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини текшириб кўришлари лозим³. Масалан, тайинланган жазо ҳаддан ташқари юмшоқлиги туфайли прокурор томонидан берилган кассация протестига биноан Хоразм вилоят суди фирибгарлик учун ҳукм қилинган К.нинг иши бўйича чиқарилган суд ҳукмини бекор қилган. Бунда иш бўйича далилларга тўлиқ баҳо берилмаганлиги асос қилинган. Жумладан, биринчи инстанция суди томонидан айбдор шахс томонидан айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш ҳолати ва муддатига эътибор қаратилмаган. Иш материалларига кўра К. жабрланувчиларни ўлдиришда гумон қилиниб ушланган ва буни орадан бир неча кун ўтгандан кейин бўйнига олган⁴. Таъкидлаш зарурки, бундай ҳолларда айбдорнинг мазкур ҳулқ-атвори айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида эмас, балки фақат айбни бўйнига олиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Жиноят устида ушланган шахс ўзи жиноятда иштирок этганига иқдор бўлиб ва уни содир этиш ҳолатларини кўрсатиб берган ёзма ариза ҳам айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш сифатида баҳоланиши лозим⁵.

Агар содир этилган жиноят фактига кўра қўзғатилган иш бўйича уни содир этган шахс аниқланмаган бўлса, ушбу қилмишни содир этганлик ҳақида ихтиёрий равишда арз қилиш ёки бу ҳақда хабар бериш айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида қаралиши лозим. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилган шахс ўзи содир этган, тергов органларига маълум бўлмаган бошқа жиноятлар ҳақида хабар бериши ҳам айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Бироқ агар шахс мавжуд далилларнинг муайян босими остида ўзи жиноят содир этишда иштирок этганини тасдиқлаган бўлса, шунингдек, айбдор

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2020. – 74-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарори // <https://lex.uz/acts/1455976>.

⁴ Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича судларда кўрилган ишлардан, 2019 йил.

⁵ Лебедев В.М. О некоторых вопросах назначения судами уголовного наказания // Бюллетень Верховного Суда РФ, 1999, № 9. – С.3-4.

ўзи фош қилиниши аниқ эканлигини билад туриб, жиноят содир этганлик ҳақида арз қилган бўлса, ушбу ҳолат айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилиши учун – айбини бўйнига олган шахснинг содир этган жинояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум эмаслиги ва шахсда терговдан ҳамда суддан қочиб, яшириниш имконияти мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахс кейинчалик ўз нуқтаи назарини ўзгартирган ва ўз айбини бўйнига олмаган ҳолларда айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилишни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобламайдиган судлар нуқтаи назари янглишдир.

Айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган шахс дастлабки уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш вақтида бутунлай бошқача кўрсатувлар берган ҳолда ҳам айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш мавжуд бўлиши мумкин.

Айбдорни айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилишга даъват этган мотивлар жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Айбдорни айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилишга ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлганлик, ўз қилмишини қоралаганлик, жабрланувчига ҳамдардлик ҳам, янада оғир жазо қўлланишидан қўрқиш, ўз жиноий ўтмишига барҳам беришга интилиш, айбсиз одамдан гумон олиб ташланишига эришиш ёки ўз шерикларининг жиноий фаолиятини тўхтатиш истаги ҳам даъват этиши мумкин.

О.А. Мясников фикрига кўра, айбдор ўзи содир этган жиноят ҳақидаги ҳаққоний хабар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ихтиёрий равишда мурожаат этишигина эмас, балки айбдор ўзи жиноят содир этган жойга милиция ходимлари бу ерга жиноят гувоҳларининг чақирувига кўра етиб келганларини аниқ билад туриб, ўзида терговдан қочиб яшириниш имконияти амалда мавжуд бўлган ҳолда ихтиёрий равишда қайтиб келиши ҳам айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш сифатида қаралиши лозим⁶.

ЖПКга биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас, бинобарин, у жиноятни очиш учун ёрдам беришга ҳам мажбур эмас. Мазкур шахс жиноятни очиш учун ёрдам бериши фақат

ихтиёрий бўлиши мумкин, бу жиноят қонун билан рағбатлантирилади ва жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилади.

Амалда жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш шунда ифодаланадики, айбдор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига илгари уларга маълум бўлмаган ахборотни беради, жиноят содир этилган жой ва уни содир этиш усули ҳақида маълум қилади, жиноят қуроллари турган жойни кўрсатади, иш бўйича бошқа далилларни аниқлашга кўмаклашади, ўзи далиллар тақдим этади, тергов экспериментларини ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси, Р.А. Сабитов таъкидлаб ўтганидек, ишнинг ҳолатларини аниқлаштиришни, жиноят содир этишда айбдор шахсларнинг ҳаммасини фош қилишни осонлаштиради, қочиб яширинган жиноятчиларни қидириб топишга кўмаклашади, ишни ҳал этишни жадаллаштиради, етказилган зарар қопланишини таъминлайди, одил судлов вазифаларини мумкин қадар оз воситалар билан самарали ҳал этиш учун имконият яратади⁷. Айни шу сабабли қонун чиқарувчи кўрсатилган ҳаракатларни бажарганликни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига киритади.

ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” бандида кўрсатиб ўтилган айбдорнинг жиноятни очишга қаратилган ҳаракатлари ихтиёрий равишда бажарилган бўлиши лозим. Айни ҳолда айбдорнинг мазкур ҳулқ-атвори мотивлари турли-туман бўлиши мумкин (масалан, қўрқиш ёки ўз жиноий шеригидан ўч олиш, ўз қисматини енгиллаштириш истаги ва бошқалар). Қонун чиқарувчи уларга жиноий-ҳуқуқий аҳамият бермайди.

Қонун мазмунига кўра, жиноятни очиш учун фаол кўмаклашиш кўриб чиқиладиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатнинг муқаррар белгиси ҳисобланади. Фаоллик белгиси нисбий тушунчадир, шу сабабли амалда жиноят содир этган ва уни очишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатаётган шахснинг ҳаракатларига баҳо беришда қийинчиликлар туғилади.

Л.А. Долиненко бу ҳақда шундай деб ёзади: “Қайси ҳаракатлар фаол ва қайси ҳаракатлар фаол эмаслигига баҳо бериш жуда мушкул иш, чунки айрим шахс учун муайян ҳаракатлар фаол деб баҳоланиши лозим, бошқа вазият ва ўзга шахсга татбиқан эса айни шу ҳаракатлар фаол деб топилмаслиги мумкин”⁸.

⁶ Мясников О.А. Индивидуализация наказания с учетом смягчающих обстоятельств // Российская юстиция, 2002, №9. – С. 62.

⁷ Сабитов Р.А. Квалификация поведения лица после совершения преступления. – Омск, 1986. – С. 23.

⁸ Долиненко Л.А. Смягчающие ответственность обстоятельства по действующему уголовному законодательству и в судебной практике. – Иркутск, 1980. – С. 57.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, судлар кўпинча айбдорнинг жиноятни очишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳар қандай ҳаракатларини фаоллик белгисини ҳисобга олмасдан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топадилар. Шу сабабли биз кўриб чиқиладиган жазони енгиллаштирувчи ҳолат матнидан **айбдор шахс ҳаракатларининг фаоллигига ишорани чиқариб таъминлашни тақдир қилган олимлар**⁹ фикрига қўшилишимиз, чунки айбдорнинг жиноятни очишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳар қандай ҳаракатлари иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қимматга эга, бинобарин, айбдорни бундай ёрдам кўрсатишга рағбатлантириш мақсадида улар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Қонун матнидан келиб чиққанда, таҳлил қилинаётган ҳолат фақат айбдор жиноятни очиш учун ёрдам берган ҳолдагина жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилади. Айни вақтда, агар иш бўйича далиллар аниқланган ва тўпланган бўлса, жиноятни очиш учун ёрдам бериш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас¹⁰. Шу сабабли, қонунда **“жиноятни очиш ва (ёки) тергов қилиш учун ёрдам бериш”** деган жазони енгиллаштирувчи ҳолат мустақамланса, бизнингча, тўғрироқ бўлар эди.

Шундай қилиб, ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” бандида кўрсатилган ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади, чунки улар жиноятни очишни осонлаштириш билан боғлиқ. Кўрсатилган ҳолатларнинг ҳар бири ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам жамулжам ҳолда жиноят содир этган шахснинг хавфлилик даражасини анча пасайтиради ва у ўз айбини англаб етганидан далолат беради, шу билан бир вақтда, содир этилган жиноят очилади ҳамда етказилган зарар бартараф этилади.

Жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларни ўрганиш ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат – “жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш” суд амалиётида, айниқса, кўп қўлланилишини кўрсатади. Айни вақтда, судлар жиноятни очиш учун фаол ёрдам беришни жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олар эканлар, мазкур

ёрдам бериш айнан нимада ифодалангани биронта ҳам ҳукмда тушунтириб ўтилмаган.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолат: етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш (ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “б” банди).

Айбдор томонидан жиноят билан етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш мотивлари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, жабрланувчига раҳм қилиш, жазонинг енгиллаштирилишига умид қилиш, ўз қилмишидан пушаймон бўлиш. Бироқ айни ҳолда айбдор қайси мотивга амал қилган бўлмасин, бу жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Жазони енгиллаштиришга мотив эмас, балки айбдорнинг ўзи содир этган жиноят келтириб чиқарган зарарли оқибатларни бартараф этишга ёки камайтиришга қаратилган ҳулқ-атвори таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, М.Н. Становскийнинг: “Мулкӣ ёки маънавий зарар муайян шартлар остида, масалан, жабрланувчининг айбдорни кечирганлик, унга нисбатан жиноят ишини тугатиш, унга ҳеч қандай эътирози йўқлиги ҳақидаги аризалари эвазига қопланган ҳолда кўриб чиқиладиган жазони енгиллаштирувчи ҳолатни қўллаш йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир”¹¹, деган фикрига қўшилиш мумкин.

Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиш айбдор томонидан жабрланувчига мазкур зарар моддий жиҳатдан қопланишида ифодаланади. Зарарни бартараф этишнинг ихтиёрийлиги айбдор ўзи етказган зарарни бирон-бир мажбурловсиз қоплаганини англатади. Агар етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги тақдир терговчидан ёки жабрланувчидан, айбдорнинг қариндошларидан ёки ҳамкасбларидан чиққан, ёхуд зарар айбдорнинг илтимосига биноан унинг қариндошлари ёки яқин кишилари томонидан қопланган бўлса, ихтиёрийлик истисно этилмайди. Кўрсатилган ҳаракатлар айбдорнинг хоҳишига зид равишда, мажбурлов чораларини кўриш йўли билан бажарилган бўлса, бу ҳолат, қонун мазмунига кўра, ихтиёрийлик белгиси йўқлиги туфайли суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин эмас.

⁹ Мясников О.А. Индивидуализация наказания с учетом смягчающих обстоятельств // Российская юстиция, 2002, № 9. – С. 62; Каюмов А.С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан (социально-психологический и правовой аспекты): Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – С. 22.

¹⁰ Гарманов В.М. Конкуренция уголовно-правовых норм при назначении наказания: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Омск, 2002. – С. 19.

¹¹ Становский М.Н. Назначение наказания. – СПб., 1999. – С. 235.

Мулкий зарарни қоплаш айбдор томонидан хусусий мулкка қарши, экологияга қарши жиноятларда, иқтисодий жиноятларда, мансабдорлик жиноятларида амалга оширилиши мумкин.

Мулкий зарар жабрланувчининг ўлими туфайли келиб чиққан ҳолларда, уни қоплаш шакли боқувчисини йўқотганлик муносабати билан, дафн этиш учун харажатларни қоплашга қаратилган маблағларни тўлашда ифодаланиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳуқуқларига тажовуз қилдиган ҳар қандай жиноят унга маънавий зарар етказиш билан боғлиқ. Боз устига, баъзи бир жиноий қилмишлар мулкий зарарга қараганда кўпроқ маънавий зарар ёки фақат маънавий зарар (тухмат, ҳақорат қилиш) етказди. Шу сабабли, бундай ҳолларда жабрланувчига етказилган маънавий зарарни қоплаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний азоблар (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқалар) тушунилади.

Маънавий зарар инсон ҳаёти ёки соғлиғига, жинсий дахлсизликка, шахс озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларига қарши содир этилган жиноятларда етказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарорига мувофиқ, маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин¹².

Агар илгари маънавий зарарни қоплаш деганда, одатда, айбдор жиноятдан жабрланган шахсга ўз узрини келтириши тушунилган бўлса, ҳозирги вақтда маънавий зарарни қоплаш моддий товон тўлашни ҳам назарда тутди. Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига биноан, маънавий зарар пул билан қопланади, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади¹³. Аммо ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “б” банди маъносида маънавий зарарни ихтиёрий равишда қоплаш бошқа шаклларда амалга оширилиши ҳам мумкин (масалан, касал ётган жабрланувчига қараш ва ҳоказо).

Шунингдек, жиноят билан етказилган зарарни бартараф этишга қаратилган бошқа ҳаракатлар ҳам жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олиниши лозимлиги қонунчилигимизда кўрсатиб ўтилган ва бу судга жазо тайинлашда айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейин амалга оширилган бошқа ижобий ҳаракатларини ҳам ҳисобга олиш учун имконият яратади. Жабрланувчига етказилган зарарни бартараф этишга қаратилган бошқа ҳаракатлар деганда, айбдорнинг етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари, масалан, шикастланган буюмни таъмирлаш ва ҳоказолар тушунилиши мумкин. Баъзан айбдор жиноят билан етказилган жисмоний зарарни бартараф этишда иштирок этиши, масалан, жиноят натижасида олинган тан жароҳатларини даволаш учун жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖКнинг 55-моддаси 1-қисмини **“жиноят содир этиш вақтида ёки жиноят содир этилгандан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқа шаклда ёрдам кўрсатиш”** деган мазмунда жазони энгиллаштирувчи ҳолат билан тўлдириш таклиф этилади.

Шу орқали жиноят йўлига кирган шахснинг жиноят содир этиш вақтида ва ундан кейин содир этаётган қилмиши келтириб чиқарадиган зарарли оқибатларнинг олдини олиш фаолиятини рағбатлантиришга эришамиз.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сон қарори // <https://lex.uz/acts/1449509>.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <https://lex.uz/docs/180552#196921>.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИК

Doi: 10.54952/DHR.2022.21.72.072



Оятилло КАРИМОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
миллий маркази таянч докторанти

Аннотация. Мақолада наркотик моддалар ва психотроп воситаларнинг ноқонуний савдосига қарши халқаро ҳуқуқий курашнинг шартномавий ва ташкилий механизмлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқот асосида умумий хулосалар берилган, наркотик моддалар ва психотроп воситаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш бўйича амалий тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси, шартномавий механизмлар, институционал механизмлар, Интерпол, Помпиду гуруҳи.

Abstract. The present article considers contractual and organizational mechanisms of international legal fight against illegal trade of narcotic substances and psychotropic drugs. On the basis of the carried-out analysis generalizations and practical recommendations in the field of international legal fight against illegal trade of narcotic substances and psychotropic drugs are made.

Key words: narcotics, psychotropic substances, illegal turnover of narcotic and psychotropic substances, contractual mechanisms, institutional mechanisms, Interpol, Pompidou's group.

Аннотация. В статье рассмотрены договорные и организационные механизмы международно-правовой борьбы с незаконной торговлей наркотическими веществами и психотропными средствами. На основе проведенного анализа сделаны обобщения и даются практические рекомендации в области международно-правовой борьбы с незаконной торговлей наркотическими веществами и психотропными средствами.

Ключевые слова: наркотические средства, психотропные вещества, незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ, договорные механизмы, институциональные механизмы, Интерпол, группа Помпиду.

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ўзининг кўлами, табиати ва мазмуни жиҳатидан бoйиганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг негизини эса хавфсиз ҳамкорлик ташкил этади. ХХI асрнинг бошида халқаро ҳамжамият ўз тараққиётининг мураккаб даврини бошидан кечирмоқда. Бу давр фундаментал муаммолар ва халқаро хавфсизликка реал таҳдидларнинг кўпайиши билан тавсифланади.

Глобаллашув инсониятга мисли кўрилмаган имкониятлар тақдим этмоқда. Афсуски, у кўплаб ғайририжтимоий ҳодисаларнинг “паспортсиз муаммоларга” айланишига ҳам имкон бермоқда. Бутун дунёда миллионлаб оилаларга азоб бераётган гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда наркобизнес ана шундай муаммолардан биридир.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка

қарши кураш бўлими тайёрлаган Афғонистонда қорадори билан боғлиқ вазият ҳақидаги ҳар йиллик маълумотларга қараганда, 2011 йилга нисбатан Афғонистонда 2021 йилга келиб наркотиклар ишлаб чиқариш 8 баравардан ортиқ қўпайган.

Наркотиклар муаммосига қарашларимизни ўзгартириш вақти етди. Биз ноқонуний наркотикларга талаб ва таклифни камайтириш бўйича прагматик, интеграцияли ва узоқ муддатли ёндашувга урғу беришимиз керак. Халқаро ҳамжамият ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар орқалигина наркотикларни йўқ қилишга эришиши мумкин.

Бугунги кунда, айниқса, Афғонистондаги наркотикларнинг ноқонуний савдоси бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солмоқда. У биринчи галда Марказий Осиё республикаларининг миллий ва минтақавий хавфсизлигига реал хавф туғдирмоқда. Афғонистондаги наркотикларнинг ноқонуний савдоси халқаро террорчилик ва диний экстремизм билан чигаллашиб, мисли қўрилмаган трансмиллий жиноятчилик ва жаҳолатнинг сабаби бўлмоқда.

Албатта, ҳеч бир мамлакат гиёҳванд моддалар савдосига қарши ёлғиз кураша олмайди. Бу борада дунё давлатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, яъни халқаро ҳамкорликни кучайтириш самарали натижа беради. Ҳозирда дунёнинг аксарият мамлакатлари халқаро ҳамкорликнинг шартномавий ва институционал механизмларидан кенг ва оқилона фойдаланиш орқали наркобизнесга қарши кураш олиб бормоқда.

1961 йил 30 мартда қабул қилинган ва ҳозир амалда бўлган (илгари амалда бўлган барча конвенцияларнинг ўрнини босувчи) *Наркотик воситалар тўғрисидаги умумий конвенция*да заррлилик даражасига кўра уларни назорат қилиш тартибига қараб тўрт гуруҳга бўлинган наркотик воситалар рўйхатлари келтирилган. Тақиқланган наркотик воситаларга қуйидагилар қиради: қорадори, морфий, героин, марихуана, кокаин, наша ва бошқалар. Конвенцияда давлатлар ўз ҳудудларида наркотикларнинг тайёрланиши ва тарқатилишини назорат қилиши назарда тутилган, наркотик воситаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш (сотиш, харид қилиш, ташиш) билан боғлиқ жиноятлар таркиби квалификация қилинган¹.

Психотроп моддалар тўғрисидаги Вена кон-

венцияси 1971 йил 21 февралда қабул қилинган. Бундай моддаларга транквилизаторлар, амфетлиналар, барбитуратлар, ЛСД ва бошқалар қиради. Конвенцияда психотроп моддаларнинг тобелик ҳолатини келтириб чиқариш, галлюцинациялар, мотор функцияси, фикрлашнинг ёки хатти-ҳаракатнинг бузилишини келтириб чиқариш орқали марказий нерв тизимини кучайтирувчи ёхуд депрессив таъсир кўрсатиш хусусиятини инобатга олган ҳолда улар устидан халқаро назорат ўрнатиш мезонлари белгиланган².

БМТнинг 1982 йилда қабул қилинган *Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияси*да унинг иштирокчилари бўлган давлатларга кемалар очик денгизда амалга оширадиган наркотик воситалари ва психотроп моддалар билан ноқонуний савдо қилишга чек қўйишда ҳамкорлик қилиш мажбурияти юклатилган³.

1985 йилда Бош Ассамблея ўзининг 40-сессиясида 1987 йилда наркотик воситаларни истеъмол қилиш ва ноқонуний муомалага чиқаришга қарши кураш масалалари бўйича вазирлар даражасидаги халқаро конференцияни чақириш ҳақида бир овоздан қарор (40/122-рез.) қабул қилган.

Вена шаҳрида 1987 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган конференцияда давлатларнинг гиёҳвандликка қарши курашга доир барча масалалар бўйича ҳамкорлиги ҳақида дастур ҳамда ушбу масала бўйича сиёсий декларация қабул қилинди. 1987 йилги конференция 1988 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган конференцияда янги конвенция қабул қилиш учун ўзига хос тайёргарлик бўлди. Конференцияда БМТнинг *Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни ноқонуний муомалага чиқаришга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси* қабул қилинди. У 1990 йил 11 ноябрдан бошлаб кучга кирди. 1961 ва 1972 йилларда қабул қилинган ҳужжатлардан фарқли равишда, янги конвенцияда наркотикларни ноқонуний савдога чиқаришга чек қўйиш ва жиноятчиларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳуқуқий чоралар кўришга урғу берилди⁴.

Шартномавий механизмлардан ташқари институционал (ташқилий) механизмлар ҳам мавжуд бўлиб, улар доирасида наркотик воситалар ва психотроп моддаларни ноқонуний муомалага чиқа-

¹ Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – 325-бет.

² Международное публичное право: Учебник. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 393-394.

³ Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – 336-бет.

⁴ Международное публичное право: Учебник. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. – С. 394.

ришга қарши кураш бўйича кўп томонлама халқаро ҳамкорлик қилинади. Наркотрафикка қарши кураш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик асосан БМТ доирасида ҳамда унинг махсус муассасалари ва ёрдамчи органларининг ҳомийлигида амалга оширилади.

БМТ Бош Ассамблеяси – БМТнинг резолюциялар, конвенциялар ва протоколлар қабул қилувчи, жамғармаларни тасдиқловчи асосий органи. Ушбу орган орқали иштирокчи мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз фикрларини халқаро минбар орқали ифодалагандек билдиришлари мумкин.

1990 йилда Бош Ассамблея қабул қилган Сиёсий декларация ҳамда Умумжаҳон ҳаракат дастури БМТ тизимини наркотикларни назорат қилишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур молиявий, шахсий ва бошқа ресурсларни ажратиш, яратишга биринчи даражали эътибор қаратишга чақирган.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (халқаро қисқартмаси *ECOSOC*) БМТнинг наркомафияга қарши кураш соҳасидаги бутун сиёсати ифодаланишига жавоб беради. БМТнинг наркотикларни назорат қилиш бўйича барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда алоҳида давлатларнинг ҳукуматларига тавсиялар ишлаб чиқади.

Наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро кенгаш БМТнинг наркотиклар бўйича конвенциялари бажарилишини назорат қиладиган мустақил, ярим юридик орган бўлиб, наркотик моддалар ишлаб чиқарилиши ва савдосини мониторинг қиладди. Ушбу кенгашнинг вазифасига давлатларга битимларнинг қоидаларини бажаришда кўмаклашиш ва уларнинг талабларга мувофиқлигини назорат қилиш киради⁵.

Гиёҳванд моддалар (наркотиклар) бўйича комиссия Ижтимоий-иқтисодий кенгашнинг 6 та функционал комиссияси таркибига киради ҳамда унга наркотик ва психотроп моддаларга доир халқаро конвенция ва битимлардан фойдаланишни кузатишда кўмаклашади.

Комиссия наркотиклар устидан халқаро назорат механизмини ўзгартириш юзасидан таклифлар беради, янги халқаро конвенциялар ва янги таъсир кўрсатиш дастакларини тайёрлашда иштирок этади, наркотикларни истеъмол қилиш устидан назо-

ратни бузиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича БМТнинг сиёсатини ишлаб чиқувчи марказий орган ҳисобланади.

БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат бўйича халқаро дастури БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йилда қабул қилинган 45/179 резолюциясига мувофиқ 1991 йилда таъсис этилган. У наркобизнесга қарши кураш билан шуғулланган БМТнинг учта собиқ бўлинмаси – Наркотик моддалар бўйича бўлим, БМТнинг Наркотикларни ғайриқонуний муомалага чиқариш устидан назорат жамғармаси ҳамда Наркотиклар устидан назорат бўйича халқаро кенгашнинг котибияти тузилмаси ва функцияларини тўлиқ бирлаштирди⁶.

Ушбу халқаро ташкилот Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган. У БМТнинг наркобизнесга қарши кураш борасидаги бутун фаолиятини мувофиқлаштиришдек алоҳида ҳуқуққа эга бўлиб, ушбу фаолиятга самарали раҳбарликни таъминлашга хизмат қиладди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – ўз ҳаракатларини асаб тизимига таъсир этувчи барча турдаги наркотик моддалар, шунингдек алкоголь, тамаки, психотроп моддаларни истеъмол қилишни камайтиришга қаратади. Ушбу ташкилот халқаро шартномаларда наркотикларни назорат қилиш хусусида қўйилган аниқ вазифаларни бажаради.

Халқаро меҳнат ташкилоти – иш жойларида наркотиклар истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш билан шуғулланади. Ташкилот жамиятни ижтимоий реинтеграциялаш дастури доирасида гиёҳвандларни реабилитация қилиш, соғломлаштириш воситалари билан даволаш бўйича ҳам чора-тадбирларни амалга оширади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (халқаро қисқартмаси *FAO*) – фермерларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва ноқонуний наркотик хомашёсини етиштиришдан манфаатдорликни камайтиришга қаратилган лойиҳаларга кўмаклашади. Шунингдек, наркотик экинлари, плантацияларини узоқ масофадан туриб аниқлаш ҳамда космосдан туриб фотосуратга олиш техникасини ишлаб чиқиш ва қўллаш лойиҳаларига ёрдамлашади.

БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (халқаро қисқартмаси *UNIDO*) – давлатларга ва хусусий секторга наркотик ҳосили етишти-

⁵ Беляев С.С. Международный опыт борьбы с наркотизмом // Преступность: стратегия борьбы. – М., 1997. – С. 122.

⁶ Гасанов Э.Г. Наркотизм: тенденции и меры преодоления. – М., 2017. – С. 65.

риш билан шуғулланувчи ҳудудларда агросаноат объектларини ривожлантиришда ёрдам беради.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташиқлототи (ҳалқаро қисқартмаси UNESCO) – мактаб дастурларига наркотиклар истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича тегишли курсларни киритиш билан шуғулланади. Шунингдек, мактабдан ташқари муҳитда гиёҳвандликнинг олдини олиш масалаларини тушунтириш ишларини олиб боради.

БМТнинг Болалар фонди (ҳалқаро қисқартмаси UNICEF) – наркотиклар истеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар билан шуғулланади, бунда болалар ва ўсмирларнинг энг ожиз гуруҳларига алоҳида эътибор қаратилади.

БМТнинг Ривожланиш дастури (ҳалқаро қисқартмаси UNDP) – ишда наркотикларни назорат қилиш бўйича тегишли элементлардан фойдаланишга имкон беради. Назоратнинг янги элементларини ишлаб чиқади.

БМТнинг ВИЧ/СПИД вируси бўйича бирлашган дастури (ҳалқаро қисқартмаси UNAIDS) – наркотикларнинг вена ичига юборилиши ва ВИЧ/СПИД вирусларининг тарқалиши ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муаммоси билан шуғулланади.

БМТнинг Аҳолишунослик фонди (ҳалқаро қисқартмаси UNFPA) – умумтаълим дастурларига наркотиклардан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган маълумотларни киритиш билан шуғулланади.

БМТнинг юқорида санаб ўтилган барча ташкилотлари ва бўлинмалари **Наркотикларни назорат қилиш бўйича кичик комиссия** аъзолари ҳисобланади. Комиссия ҳар йили БМТнинг бутун тизими бўйича наркотикларни назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун мажлис ўтказади. Комиссия БМТнинг бутун тизими учун ҳаракат режаси тузилишига жавобгардир⁷.

Интерпол (Халқаро жиноят полицияси ташкилототи) ўз таркибига ушбу лойиҳанинг иштирокчилари бўлган 175 та мамлакатни бирлаштиради. У 1930 йилдан бошлаб наркотикларга қарши кураш бўйича ёрдамчи орган сифатида мавжуд. Интерполнинг ҳозирги вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар миллий хизматларининг наркотикларга қарши кура-

шиш бўйича ҳамкорлигини яхшилашга қўмаклашади. Наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмол қилишга қарши курашдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинувини рағбатлантиради.

2. Наркотиклар билан ноқонуний савдо қилишни назорат қилувчи давлат хизматларининг кудратини мустаҳкамлайди. Шу мақсадда маълумотлар банки ташкил қилинган ҳамда у наркотиклар бўйича кичик бўлим тасарруфидадир. Маълумотлар банкида зарурий ахборотлар, масалан, наркотик сотувчиларнинг исм-фамилиялари кўрсатилган бўлади ҳамда у ахборот олиш, тергов қилиш учун буюртмаларни мувофиқлаштиради, тактик ва стратегик разведка ахборотини тўплайди ва тарқатади. Ушбу бўлинма икки гуруҳдан, яъни оператив гуруҳ ва разведка гуруҳидан иборат. Разведка гуруҳидаги психотроп моддалар бўйича бўлим хилма-хил психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлаш ва тарқатишга оид маълумотларни назорат қилади.

Интерпол бош қотибиятининг энг муҳим вазифаларидан яна бири – ноқонуний маблағларни легаллаштиришга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун махсус гуруҳ таъсис этилган. У пулларни “ҳалоллаш”, ноқонуний йўллар билан ҳосил қилинган банк омонатларини мусодара этиш билан боғлиқ ишлар ҳамда молиявий терговни юритиш техникаси учун жавоб беради⁸.

Бутунжаҳон божхона ташкилототи давлатлараро ташкилот ҳисобланади ва унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) халқаро божхона ва савдо механизмларини ривожлантириш, жорий этиш, бажариш ва уларга хизмат кўрсатиш;

2) унинг аъзоларига ушбу механизмларга тўғри риоя этиш ва улардан тўғри фойдаланишда энг мақбул натижаларга эришиш учун ёрдам берилишини таъминлаш.

Ҳозирги кунда мазкур божхона ташкилотига 132 та мамлакат аъзодир.

Америка давлатлари ташкилотининг Наркотикларни истеъмол қилиш муаммоси бўйича Америкалараро комиссияси (ҳалқаро қисқартмаси CICAD) 1988 йилда ташкил этилган. Комиссиянинг мақсади – наркотиклар билан ноқонуний сав-

⁷ Основные тенденции развития мирового наркобизнеса и опыт борьбы с ним в зарубежных странах. – М., 2012. – С. 78-86.

⁸ Галимжанов Н.М., Кудайбергенов М.Б. Методы работы Интерпола: Учебник. – Алматы: «Данекер», 2021. – С. 31 – 41.

до қилишга қарши курашиш бўйича давлатлараро ҳамкорликни яхшилашдан иборат.

Ушбу комиссия БМТнинг Нарконадзорат дастури билан биргаликда Марказий Америка республикаларининг барчасига нарконадзорат бўйича ўз қонунчилигини ислоҳ қилиш ва уйғунлаштиришда кўмаклашади. Иккала ташкилот вақти-вақти билан Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги дастурлар ҳақидаги маълумотларни айирбошлайди, шунингдек минтақанинг ахборот-мувофиқлаштириш механизмига биргаликда ҳомийлик қилишни режалаштиради.

Европа Иттифоқининг Помпиду гуруҳи 1971 йилда Франциянинг собиқ Президенти Помпидунинг ташаббуси билан таъсис этилган. Гуруҳнинг мақсади – наркотикларни ноқонуний савдо-сотиқ қилиш муаммоларини унинг кўп босқичли жиҳатини инобатга олган ҳолда тадқиқ этишдан иборат.

Помпиду гуруҳи 1991 йилда наркотиклар муаммоси бўйича Шарқий ва Ғарбий Европа ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун вазирлар даражасидаги биринчи Бутуневропа конференциясини чақирди. Ўшандан буён гуруҳ таркиби анча кенгайди. Ҳозирда Шарқий ва Ғарбий Европадаги 40 та мамлакатни ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дунёдаги нарковазиятни глобал таҳлил қилиш наркотикларни ноқонуний муомалага чиқаришга қарши курашда салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилганига қарамай осон ва тез ғалабага умид қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Зеро, бугунги глобал оламда наркотиклар муаммоси чегара билмайди.

Марказий Осиёда, хусусан, Афғонистонда наркотикларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш муаммоси дунё ҳамжамиятидан муносиб жавобни талаб қилмоқда. Фикримизча, мазкур муаммони ҳал этиш учун Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар коалициясини ташкил қилиш ва минтақавий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Ушбу коалициянинг мақсади – биргаликдаги ҳаракатлар орқали қорадори ишлаб чиқариш ва уни тарқатишнинг камайишига эришишдир. Минтақада қорадори ишлаб чиқаришни батамом йўқ қилишга қаратилган бу режа, қисқача айтганда, қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

Биринчидан, гиёҳванд моддалар савдосининг олдини олиш зарур. Бунинг учун биринчи қадам Афғонистон атрофида афғон қорадорисига тўсиқ бўладиган “ҳавфсизлик белбоғи” яратишдан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, гиёҳванд моддаларга қарши курашиш бўйича мамлакатлар ўзларида мавжуд кучларни бирлаштириши керак. Масалан, ҳозирда БМТ тузилмалари махсус орган – маълумотлар тўплаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва наркотиклар етказиб бериш йўллари тўсиш билан шуғулланадиган Наркотикларнинг ноқонуний муомалага чиқарилишини назорат қилиш агентлигини ташкил этиш мақсадида Тожикистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилиб, бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Гиёҳванд моддаларга қарши курашиш бўйича Тожикистонни қўллаб-қувватлаш Тожикистон – Афғонистон чегарасида юзага келган ташвишли нарковазият сабабли ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, наркобизнесга қарши курашда узоқ муддатли ва тўғри йўналтирилган мақсад белгиланиши керак. Қорадорини йўқ қилиш – масъулиятли вазифа, лекин у кўкнор экинларини бевожита йўқ қилиш ёки бирор бир давлатни қорадори ишлаб чиқаришдан холи ҳудуд деб эълон қилиш билан тугаб қолмайди. Фақат доимий кузатиш, муқобил ривожланиш дастурларини қўллаб-қувватлаш орқалигина қорадоридан бутунлай озод бўлишга эришиш мумкин. Шу боис мажбуриятлар узоқ муддатли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, чегарадош давлатларда мавжуд тажрибадан келиб чиққан ҳолда, наркотиклар савдосини камайитишга ҳамда чегара назоратини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳани ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчидан, Афғонистонда муқобил ривожланиш дастурини жорий этиш лозим. Мамлакатда кўкнор ишлаб чиқаришни аста-секин камайитириб бориш керак. Таъкидлаш лозимки, муқобил ривожланиш ўстирилаётган экинларни алмаштириш дегани эмас. Албатта, фермер етиштириши мумкин бўлган бошқа экинларни топиш – муқобил ривожланиш дастурининг муҳим қисми, аммо кўкнор етиштиришга чек қўйиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Бундай дастур натижа бериши учун унинг амал қилиш доираси кенгайтирилиши лозим. У таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги секторидан ташқарида ишлаш имконини бериши қамраб олиши керак.

Демак, фақат босқичма-босқич амалга ошириладиган ҳамкорликдаги бирлашган ёндашувгина наркотикларни ғайриқонуний сотиш ва тарқатишга қарши курашда самарали натижа беради.

БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФИ



Шерали ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети жамоат
хавфсизлигини таъминлаш
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада одам савдоси, шу жумладан болалар савдоси жиноятига қарши курашишнинг бугунги кундаги долзарб аҳамияти ёритилган. Болалар ҳуқуқларини кафолатловчи халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз нормалари шарҳланган. Муаллиф томонидан болалар савдосига қарши курашда мавжуд муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, одам савдоси, болалар савдоси, халқаро меъёрий ҳужжатлар, миллий қонунчилик.

Abstract. The article discusses the relevance of combating the crime of human trafficking, including child trafficking. The international documents guaranteeing the rights of children and the norms of our national legislation are commented on. The author analyses the existing problems and shortcomings in the fight against child trafficking.

Key words: child's rights, human trafficking, child trafficking, international normative documents, national legislation.

Аннотация. В статье рассматривается актуальность борьбы с преступлением торговли людьми, включая торговлю детьми. Комментируются международные документы, гарантирующие права детей, и нормы национального законодательства. Автор проанализировал существующие проблемы и недостатки в борьбе с торговлей детьми.

Ключевые слова: права ребенка, торговля людьми, торговля детьми, международные нормативные документы, национальное законодательство.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунлар ва давлатимиз ратификация қилган халқаро ҳужжатлар, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Асосий қонунимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда қабул қилингани таъкидланган. Бу бевосита бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан ҳам боғлиқдир. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланиб, унинг 78-моддасида: “Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир”¹, дея қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 01.05.2023 / <https://lex.uz/docs/6445145>.

Демак, Асосий қонунимизнинг 78-моддасига биноан давлат болаларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини олади, шунга кўра болалар одам савдосининг ҳар қандай кўринишларидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Таниқли ҳуқуқшунос олим М.Х. Рустамбаев таъкидлаганидек, “Одам савдоси – инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётгани билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда”².

Халқимизда, “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, деган сермазмун мақол бор. Бугунги кунда ушбу мақолнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам юқори. Чунки болалар тарбияси ва назоратига нафақат ота-она, ўқитувчи ва мураббийлар, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси бефарқ бўлмаса, болалар савдоси каби қабих жиноятларнинг олдини олишда самарали натижаларга эришилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бугунги глобаллашув даврида дунёдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Ушбу турдаги жиноят туфайли шахс эркинлиги чекланади, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати топталади. Одам савдоси жиноятини аниқлаш, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш орқали жазонинг муқаррарлигини оммага синдириш, одам савдосининг олдини олиш, оқибатларини имкон қадар камайтириш, жабрланганларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос А.О. Шарофутдиновнинг: “Одам савдоси жиноятларининг содир этилиши нафақат бир шахснинг шаъни ва кадр-қимматини поймол қилади, балки у давлатнинг халқаро миқёсда обрў-этиборига ҳам путур етказди”³, деган фикрлари ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси жиноятининг тавсифи келтирилган ҳамда ушбу турдаги жиноятни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига асосан, “Вояга етмаган шахс савдоси – “одам савдоси” деган

тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга ҳилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади”⁴.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи зарурий ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинди.

Айтиш ўринлики, болалар савдоси жамиятдаги салбий жараёнларнинг маҳсулидир. Унинг ижтимоий хавфини эътиборга олиб, жиноятнинг вужудга келиши ҳамда содир этилиши сабабларига қарши курашишда алоҳида ва самарали тизимни яратиш мақсадга мувофиқ.

Болалар савдосининг вужудга келиши ва содир этилишига бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатадиган сабаблар:

- бола туғиладиган оиланинг ижтимоий ҳимояланмаганлиги, моддий кўмакка ўта муҳтожлиги;
- никоҳсиз ҳомиладорликни яшириш мақсадида аёлнинг фарзандидан воз кечиши ёки моддий манфаат эвазига сотиши;
- жамиятда фарзанд асраб олиш жараёнининг мураккаблиги, бола асраб олишдаги узундан-уzun навбатлар, фарзанд кўрмаган оилалар томонидан янги туғилган ва соғлом бўлган чақалоқни асраб олишга бўлган катта эҳтиёж;
- болалар савдосидан моддий манфаатдор бўладиган шахсларнинг фаолияти.

Онанинг боладан воз кечиши, уни хавф остида қолдириши натижасида норасида гўдак ўлимининг олдини олиш, чақалоқ савдосини бартараф этиш, фарзандликка бериш ва олиш механизмларининг самарали фаолият юритишида, фикримизча, бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан:

- онанинг боладан воз кечиши ёки маълум

² Рустамбаев М.Х. Одам савдоси: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: Монография. – Т., 2019. – 9-бет.

³ Қаранг: Шарофутдинов А.О. О работе, проводимой МВД в сфере борьбы с вербовкой людей в целях их сексуальной и иной эксплуатации. Проблемы, связанный с траффиком людей // Материалы научно-практической конференции на тему: “Международно-правовые проблемы борьбы с торговлей людей”. – Т., 2006. – С. 15.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // 17.08.2020 / <https://lex.uz/docs/4953314>.

ҳақ эвазига “суррогат” она вазифасини ўташи, шунингдек, болалар савдосининг олдини олиш ва бартараф этиш борасида давлат органлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро алоқа ва ҳамкорликни таъминловчи яхлит тизим мавжуд эмаслиги;

– болалар савдоси билан боғлиқ жиноятларни барвақт аниқлаш, ушбу турдаги жиноятлар билан боғлиқ мурожаатларни ва ҳолатларни тезкор кўриб чиқиш, сифатли тергов қилиш ҳамда судларга юборишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тегишли билим, тажриба ва кўникмаларининг етишмаслиги;

– фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида болалар савдосининг оқибатлари тўғрисида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада эмаслиги;

– репродуктив ёшдаги аёлларни ҳисобга олиш, ҳомиладорликнинг дастлабки босқичидан токи бола туғилгунга қадар оралиқ ҳисобот автоматлаштирилган ахборот тизимида юритилишини таъминлашдаги камчиликлар;

– васийлик ва ҳомийлик идоралари томонидан болани асраб олиш билан боғлиқ бўлган жараёнда шаффоф тизим мавжуд эмаслиги, мурожаат этувчилар дуч келадиган бюрократик ҳолатлар;

– аҳолининг бола асраб олиш жараёнининг қонуний йўллари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги ва бошқалар.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одам савдоси, шу жумладан болалар савдосига қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган. Масалан:

– 1991 йил 30 сентябрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;

– 1995 йил 6 майда Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция;

– 1995 йил 31 августда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;

– 2003 йил 30 августда БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси;

– 2003 йил 12 декабрда Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция;

– 2008 йил 8 апрелда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенция;

– 2008 йил 8 июлда БМТнинг Трансмиллий

уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи;

– 2008 йил 11 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол;

– 2008 йил 12 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир Болаларнинг қуроли моjarоларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол ратификация қилинган.

Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш орқали мамлакатимиз аҳолини хабардор қилиш, жабранувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш орқали одам савдосининг олдини олиш ва бартараф қилиш мажбуриятини олади.

Сўнгги йилларда юртимизда болалар савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони шулар жумласидандир. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) лавозими жорий этилди ва бу орқали мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асослари янада мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва ушбу жиноятнинг олдини олиш нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга. Одам савдосининг кўринишларидан бири бўлган болалар савдосининг олдини олиш учун давлатларaro ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарур. Болалар савдосига қарши курашишнинг халқаро ҳужжатларда ва миллий қонунчилик нормаларида тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Doi: 10.54952/DHR.2022.64.29.073



Тўлқинбой ЖУМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги маънавий-маърифий ишлар
ва кадрлар билан таъминлаш департа-
менти бошлиғининг ўринбосари

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари хизматига номзодларни танлаш, уларни жойлаштириш ва кадрлар барқарорлигини таъминлашга доир фаолиятнинг мазмуни очиб берилган. Ички ишлар органлари хизматига кадрларни танлаш жараёни билан боғлиқ муаммолар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, соҳани такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кадрлар, номзод, танлов, кадрларни танлаш, кадрларни тайёрлаш, кадрлар захираси.

Abstract. The article reveals the content of activities for the selection, placement and ensuring the personnel stability of candidates for service in the internal affairs bodies. The problems related to the recruitment process for the service in the internal affairs bodies, the relevant regulatory legal acts are analyzed, proposals and recommendations for improving the policing activity are developed.

Key words: personnel, candidate, selection, recruitment, staff training, personnel reserve.

Аннотация. В статье раскрыто содержание деятельности по отбору, расстановке и обеспечению кадровой стабильности кандидатов на службу в органах внутренних дел. Проанализированы проблемы, связанные с процессом подбора кадров на службу в органах внутренних дел, соответствующие нормативные правовые акты, разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию отрасли.

Ключевые слова: персонал, кандидат, отбор, подбор персонала, обучение персонала, кадровый резерв.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Кадрлар масаласи бизнинг келажакимиз, бизнинг эртанги кунимиздир”¹.

Дарҳақиқат, эртанги кунимиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, албатта, қандай кадрлар тайёрланишига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, номзодларни ички ишлар органларига хизматга танлаб олиш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Кадрларни танлаш босқичи номзодларни ўрганиш жараёни бўлиб, вазифавий мажбуриятларни

маълум лавозимларда бажаришга нисбатан уларнинг лаёқатини аниқлашдан иборатдир. Масалан, номзоднинг билими, унинг касби, ишчанлик сифатлари, шахсий тавсифи ўрганилади. Номзоднинг у ёки бу лавозимга қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши текшириб кўрилади.

Мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг очиклигини таъминлаш маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Фуқароларимиз ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига доир тегишли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлиши керак.

¹ Қаранг: Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда малакали кадрлар етишмаслиги ҳақида маълум қилди // 18.12.2018 / <https://sof.uz/post/shavkat-mirziyoyev-o-zbekistonda-malakali-kadrlar-yetishmasligi-haqida-ma-lum-qildi>.

Шу жумладан, фуқароларга ички ишлар органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг очиқлиги ҳам таъминланиши керак. Масалан, фуқаролар номзодларга қўйиладиган талаблар, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қай даражада кафолатлар борлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши лозим.

Н.И. Разуваева кадрларни танлаш жараёни мураккаб жараён эканлиги ва номзодларни қўйидаги босқичларга бўлган ҳолда танлаш кераклиги ҳақида ўзининг ўринли фикрини билдирган:

- 1) номзодларни кидириш;
- 2) номзодларни ўрганиш, уларнинг шахсий ва касбий фазилатларини баҳолаш;
- 3) ўрганиш натижаларига кўра, номзодларни лавозимга тайинлаш ёки уларнинг танловда иштирок этиши масаласини кўриб чиқиш;
- 4) энг муносиб номзодларни аниқлаш учун танлов ўтказиш².

Дарҳақиқат, муносиб номзодлар аввало намунали оилалардан, маҳалла, ўқув муассасалари ва давлат ташкилотларидан қидирилади, улар ҳар томонлама ўрганилгандан сўнггина, ўтказиладиган тегишли танлов мезонларига мувофиқ, келгусида ички ишлар органларида хизмат ўташга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги бўйича ҳулоса қилинади. Шу боис, ички ишлар органлари хизматига номзодларни муваффақиятли танлаб олиш танланган излаш усулига ҳам боғлиқ бўлади.

Одатда, ички ишлар органлари хизматига номзодлар асосан оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида берилган эълонлар, тегишли давлат ташкилотлари, муассаса ва корхоналарда ҳамда фуқаролик олий таълим муассасалари битирувчилари орасида ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш орқали ёки бошқа сабаблар (қариндошлари хизмат қилиши, ёшлигидан хизмат кийимини кийишга ҳавасмандлиги, барқарор ойлик маоши билан таъминланиши ва ҳоказо) орқали ўз ихтиёри билан мурожаат қилишади.

Фикримизча, ҳудудий ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар қандай номзод билан суҳбат ўтказиш жараёнида унинг хизматга кириш мотивини ҳам аниқлаш зарур. Чунки, айнан шу мотив орқали номзоднинг келгусидаги хизмат фаолиятини баҳолаш мумкин бўлади. Масалан, суҳбат жараёнида шунчаки хизмат кийимини кийишга

қизиққан номзод билан фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш истагини билдирган номзод ўртасида жиддий фарқ бўлади.

Ички ишлар органларига хизматга кирувчи айрим номзодлар (456 нафар) ўртасида айнан уларнинг мотивларини аниқлаш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 48,2 % респондентлар қонун билан ўрнатилган тартибни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳавфсизликларини таъминлаш истаги борлигини, 84,2 % респондентлар моддий барқарорликнинг мавжудлигини, 62,7 % респондентлар ижтимоий кафолатлар ва нафақанинг таъминланишини, 34 % респондентлар оилавий анъана эканлигини, 71,7 % респондентлар эса касбга қизиқишини таъкидлашди³.

Демак, номзодларнинг аксарияти ички ишлар органларига хизматга моддий барқарорлик, ижтимоий кафолатлар ва нафақанинг таъминланаётганлиги боис ишлаш истагини билдиришган.

Фикримизча, номзодлар аввало тегишли мезонлар асосида мактабгача таълим, ўрта мактабдан бошлаб танлаб борилиши, уларнинг ота-оналари билан келишиб, тегишли мутахассислар ёрдамида тизимли ва тартибли ҳамда уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаган ҳолда мақсадли тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Ички ишлар органлари учун кадрларни қуролли кучларда ижобий тавсифланиб, хизмат олиб борган ва қуролли кучлар захирасига бўшатишган номзодлар орасидан ҳам излаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ички ишлар органларидан ўз хоҳишига кўра ёки салбий бўлмаган ҳолатлар билан хизматдан бўшатишган (штатлар қисқартирилганлиги туфайли ва ҳоказо), лекин профессионал ва шахсий фазилатларга эга бўлган собиқ ходимларнинг номзодини ҳам кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 26-моддасида ўн саккиздан ўттиз ёшгача, шу жумладан ўттиз ёшдаги, тегишли маълумотга эга бўлган, ўзининг шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органи ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир Ўзбекистон Республикаси фуқарола-

² Қаранг: Разуваева Н.И. Подбор и аттестация кадров органов внутренних дел (административно-правовые и организационные аспекты). дис. канд. юрид. наук. – Воронеж, 2014. – 215 стр.

³ Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижалари.

ри ички ишлар органларидаги хизматга ихтиёрий тартибда, танлов асосида қабул қилиниши белгилаб қўйилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олишга доир 2022 йил 5 мартдаги буйруғи билан “Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома тасдиқланди⁵. Ушбу йўриқнома 7 боб ва 91 банддан иборат бўлиб, унда танлов тадбирларини ташкиллаштириш, номзодларни ўрганиш, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш, якуний суҳбат ўтказиш тартиб ва қоидалари белгилаб берилган.

Мазкур йўриқнома фақат мурожаат қилган номзодларни ички ишлар органларига хизмат ўташга танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгиласада, лекин ички ишлар органларига хизматга муносиб номзодларни айнан қаерлардан қидириш ёки излаш усуллари акс эттирмайди.

Шу боис, фикримизча, “Ички ишлар органларида хизматга муносиб номзодларни дастлаб мактабгача таълим ва ўрта мактаблардан ҳамда олий таълим муассасалари, тегишли меҳнат жамоаларидан танлаш ва улар билан тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш тартиби тўғрисидаги” йўриқномани ҳам ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Ички ишлар органларида хизмат ўташга танлаб қабул қилинган номзодлар ички ишлар органларининг ходимлари сифатида хизматни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁶ билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги” низомга мувофиқ амалга оширишади. Мазкур низом 12 боб, 164 банддан иборат бўлиб, унда ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш, махсус унвонларни бериш ва улар-

дан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи, аттестация ўтказиш, таътилар, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя, хизмат ўташ режими, хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш ҳамда якунловчи қоидалар ўз ифодасини топган.

Фикримизча, ички ишлар органларига танлаб олинган ва хизмат ўтаб келаётган ходимларнинг фаолиятини баҳоловчи тегишли мезонларни, шунингдек, уларни хизматига қараб рағбатлантириш, поғонама-поғона хизмат пиллапоясидан қўтарилиб боришининг механизмини ҳам қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2022 йилда ички ишлар органларига хизматга қабул қилинганлар сони 2018 йилга нисбатан икки ярим баробар ошган.

Мазкур кўрсаткич айнан қайси омиллар билан боғлиқлигини аниқлаш зарур. Масалан, аҳоли сонининг ошиши, хизмат вазифаларининг кўпайиши туфайли қўшимча иш ўринларининг яратилиши ёки хизматдан бўшаш ҳолатларининг кўпайганлиги ва ҳоказо.

2018 – 2022 йилларда ички ишлар органларидан бўшатишга ходимлар бўйича статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинганда эса, деярли ўзгариш йўқлигини кўриш мумкин. Лекин 2018 йилда ички ишлар органларида хизматдан бўшатишга қилинганлар сони хизматга қабул қилинганларга нисбатан 58 фоизга кўп бўлган бўлса, 2022 йилга келиб, аксинча, ички ишлар органларига хизматга қабул қилинганлар сони хизматдан бўшатишга қилинганларга нисбатан деярли икки баробарга кўпайган.

Ички ишлар органлари ходимларининг ёши бўйича таҳлил қиладиган бўлсак:

30 ёшгача – 2019 йилда 35,8 %, 2020 йилда 37,6 %, 2021 йилда 35,3 %, 2022 йилда 34,2 % ни ташкил этган;

31 – 45 ёш – 2019 йилда 57,9 %, 2020 йилда 56,8 %, 2021 йилда 58,5 %, 2022 йилда 59,3 % ни ташкил этган;

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // 16.09.2016 / <https://lex.uz/acts/3027843>.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи // 5.03.2022 / <https://lex.uz/docs/5900756>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // 29.11.2017 / <https://lex.uz/docs/3430641>.

45 ёшдан юқори – 2019 йилда 6,3 %, 2020 йилда 5,6 %, 2021 йилда 6,2 %, 2022 йилда 6,5 % ни ташкил этган.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларининг асосий қисмини, яъни 59,3 % ни 31 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

2022 йилда ички ишлар органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган сафдор, сержант ва офицерлар миқдори 2018 йилга нисбатан деярли бир баробарга камайганлигини кузатиш мумкин.

2022 йилда ички ишлар органларидан шахсий илтимосига кўра бўшатишган ходимлар миқдори 2018 йилга нисбатан сал кам икки баробарга кўплиги бироз ташвишлидир.

Ички ишлар органларида мавжуд бўш лавозимларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан деярли 10 фоизга ошганлигини⁷ кузатишимиз мумкин ва бу ҳам, бизнингча, бироз ташвишли масала ҳисобланади.

Шахсий илтимосига кўра ички ишлар органларидан бўшаган ходимлар ишдан бўшаш сабаби сифатида қуйидагиларни кўрсатишган:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг иш вақти чегараланмаганлиги. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 30-моддасида: “Ички ишлар органлари ходимлари иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилган.

2. Ходимларда иш ҳажмининг кўпайиб кетганлиги, улар ўртасида хизмат вазифаларининг тенг тақсимланмаганлиги ва хизмат вазифаларига кирмайдиган ишларга ҳам жалб этилаётганлиги.

3. Ходимларни хизматига қараб рағбатлантириш ёки жазолашнинг аниқ мезонлари йўқлиги туфайли айрим раҳбарларнинг бу борада субъектив ёндашуви асосида нотўғри қарорлар қабул қилиши.

4. Ходим билан раҳбар ўртасида индивидуал психологик мулоқот етарлича ўрнатилмаётганлиги (ўзаро келишмовчилик).

5. Хизмат қилиб, соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли ёки ойлик маоши яшаш учун (оила рўзғори-га) етарли бўлмаётганлиги ва ҳоказо.

Ички ишлар органларида ходимларнинг барқарор тарзда хизмат олиб боришлари учун юқорида

келтирилган муаммоларни бартараф этиш билан бирга, мавжуд тегишли норматив ҳужжатлардаги ходимларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кафолатларига доир рағбатлантирувчи қоидаларни ҳам амалда тўлиқ қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари бугунги кунда ички ишлар органларида кадрлар ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантириб бориш тизими ҳамда мураббийлик институти талаб даражасида деб айтиб бўлмайди.

Ички ишлар органлари учун профессионал раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг захирасини яратиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида 1997 йилдан бошлаб ички ишлар органлари учун профессионал раҳбар кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Раҳбар кадрларни тайёрлашга оид дастлаб “Олий академик курслари” ва “Раҳбар кадрларни тайёрлаш” факультети ташкил этилди, эндиликда улар негизида магистратура фаолият юритмоқда.

2021 йилга қадар академияда раҳбар кадрлар тайёрлаш борасида бир қанча муаммолар кўзга ташланган. Яъни жойлардаги жамловчи органлар академияга кадрлар бошқармаси томонидан раҳбар кадрлар захирасига олинмаган, касбий фазилатлари, ахлоқий кўриниши, ҳуқ-атвори ва маданият даражаси билан бошқа ходимларга етарлича намуна бўла олмайдиган номзодларни юбориш ҳолатлари кўп учраган. Энг ажабланарлиси, академияга ўқиш учун танлов кўп ҳолларда айнан шу тоифадаги, яъни бўлажак раҳбар кадрларга қўйиладиган талабларга жавоб бермайдиган номзодлар доираси билан чекланган. Натижада академияга ўқиш учун кирган аксарият тингловчилар унда ўрнатилган тартиб-интизомни бузиш билан бирга, фанларни ҳам суст ўзлаштириши кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларига профессионал кадрларни тайёрлаш учун аввало муносиб кадрларни танлаш ва сифатли тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтиришга сабаб бўлади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг йиллик таҳлилий маълумотномаси // 2022 йил.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ” ГЛОБАЛ ФОРУМИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ МАҚОМИНИ ОЛДИ

2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форумининг якуний ҳужжати БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олти расмий тилига – араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларига таржима қилиниб, БМТга аъзо барча давлатлар ва унинг ихтисослашган муассасаларига тарқатилди. Шунингдек, А/77/800 рақами билан БМТнинг расмий ҳужжатлар тизимига жойлаштирилди.

Ҳужжатда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан илҳомланган ҳолда инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги ҳамда ҳар бир шахс ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ушбу декларацияни доимо ёдда тутган ҳолда таълим ва тарбия орқали ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашишга таяниши лозимлиги қайд этилган.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга доир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Буни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва кадр-

лар тайёрлаш тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг қабул қилиниши, шунингдек, ушбу Миллий ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2021 йилнинг декабрига қадар тўлиқ бажарилганлиги ҳам яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форумининг якуний ҳужжатида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия умуминсонийлик, бўлинмаслик ҳамда ўзаро боғлиқлик тамойилларига мувофиқ барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумбашарий ҳурмат кўрсатиш, уларга риоя этилишини рағбатлантиришнинг асоси эканлигини ҳамда одамларнинг барча ишларда тўлиқ иштирокини таъминлаш учун зарур эканини ҳисобга олиб, уларнинг ҳаётига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилиш жараёнлари – фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик камситиш ва бошқа инсон ҳуқуқлари бузилиши, шунингдек, зўравонлик ва можароларнинг олдини олишга таянишига эътибор қаратилган.

“Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ушбу муаммоларга инсон ҳуқуқлари стандартларига мос келадиган ва ҳар бир инсон тенг даражада ҳурмат ва кадр-қимматга лойиқ эканлигини тушунишга асосланган жавоб ва ечимларни аниқлашга ҳисса қўшиши қайд этилган”, дея таъкидланади БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжатида.

МАРКАЗ ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МОНИТОРИНГ ТАШРИФИ

10-14 апрель кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ишчи гуруҳи Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида жойлашган жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари ҳамда махсус қабулхоналарда мониторинг ташрифини амалга оширди.

Мониторинг жараёнида мазкур муассасаларда сақланаётган маҳкумлар ва ушланган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида

белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши, уларга яратилган шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши ўрганилди, масъул ходимларга тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Мониторинг ташрифиди якунида муассасалар маъмурияти вакиллари билан қонунийликка риоя қилиш, хизмат интизомини бузмаслик масалалари бўйича мулоқот ўтказилди.

ЯПОНИЯЛИК ПРОФЕССОР ВА ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

16 март куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда япониялик профессор ва талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Нагоя университетининг Осиё ҳуқуқий ҳамкорлик маркази ва Нагоя университети юридик факультети делегациясининг ташрифи доирасида ташкил этилди.

Мулоқотда мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз борди.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини бажариш, миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш, халқаро шартномалар қоидаларини мил-

лий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш мавзуларида ҳам фикр юритилди.

Бундан ташқари кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этилди.

Дўстона ва самимий руҳда ўтган учрашув якунида меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Япониялик профессор ва талабалар ҳар бир бўлимга тегишли хизмат хоналарида бўлиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолияти билан атрофлича танишди.

ТАҲЛИЛИЙ МАЪРУЗА ТАҚДИМОТИ

17 март куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ҳамда унинг Протоколини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш истиқболлари бўйича таҳлилий маъруза тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Омбудсман, Давлат хавфсизлик хизмати, ИИВ Академияси, Бош прокуратура академияси, Ҳуқуқни ҳимоя қилиш академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳамда БМТ бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда БМТ Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ҳанс Фридрих Шоддер, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи Консуело Видал Брюс ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг ўринбосари Дилноза Муратова нутқ сўзлади.

Тақдимот Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг БМТ Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармасига йўллаган сўрови бўйича ўтказилди.

БУХОРОДА ЎҚУВ КУРСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

29-30 март кунлари Бухоро шаҳрида “Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида ўқув курси бўлиб ўтди.

Ўқув курси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти, Ички ишлар вазирлигининг академияси ҳамда ИИВ Малака ошириш институти раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари, Бухоро вилояти прокуратураси ва ички ишлар тизими ходимлари иштирок этди.

Ўқув машғулоти Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурига асосан ўтказилди.

Машғулотлар қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштириш соҳасида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг халқаро амалиёт ва миллий тажриба асосидаги

амалий кўникмаларини оширишга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, академик Акмал Саидов ва Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Яхёжон Абдулҳақов ўқув курси иштирокчиларига видео-муурожаат йўллади.

Бухоро шаҳридаги ўқув курсида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Мирзатилло Тиллабоев, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Музаффаржон Мамасиддиқов, Давлат ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлар доктори Муроджон Турғунов, ИИВ Академияси “Ташкилий-штат фаолияти” кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Алимжон Матчонов, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг “Юридик фанлар” кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди, доцент Меҳмонали Сувонкулов, ИИВ Академияси “Жазони ижро этиш фаолияти” кафедраси доценти, подполковник Қувонч Қодировнинг маърузалари тингланди.

ЕХХТ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҲЙИЧА БЮРОСИ ДИРЕКТОРИ БИЛАН УЧРАШУВ

18 май куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов Варшавада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар ва Конституциявий комиссия фаолияти яқунлари ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Жумладан, А.Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига тааллуқли ислохотларнинг амалга оширилиши, хусусан, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар дастури қабул қилингани ва изчиллик билан амалда тат-

биқ этилаётганини таъкидлади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сайлов тўғрисидаги боби халқаро экспертлар тавсиялари асосида такомиллаштирилганига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, М.Мекаччи Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директорининг таклифномасини олгани ва Ўзбекистонга ташриф буюришини эътироф этди.

Томонлар ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик истикболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК БЎЙИЧА МАҲОРАТ ДАРСИ

17 апрель куни Тошкент давлат юридик университетида Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультетининг 2-босқич талабалари учун инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик бўйича маҳорат дарси ўтказилди. Маҳорат дарси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан ташкил этилди.

Маҳорат дарсини олиб борган миллий марказ бош мутахассиси Хусниддин Холмаматов бўлажак ҳуқуқшуносларга БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ўрни,

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил гапириб берди.

Маҳорат дарсида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги турли масалалар бўйича ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди, талабаларнинг саволларига жавоблар берилди.

ОСИЁДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БЎЙИЧА ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

26 апрел куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов Конрад Аденауэр жамғармасининг Осиёда қонун устуворлиги бўйича дастури директори Штефан Самсе билан учрашди.

Осиёда қонун устуворлиги бўйича дастур 2005 йилда Сингапурда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади минтақа давлатларида қонун устуворлигини мустаҳкамлашни рағбатлантиришдан иборат. Дастур доирасида ҳамкор мамлакатларнинг давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бо-

рилиши назарда тутилади.

Дастурни Ўзбекистонда амалга ошириш истиқболлари ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тарғиб қилиш ва ўзаро маслаҳатлашувларни амалга оширишни қамраб олади.

Муҳокамаларда ушбу дастурга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим йўналишини киритиш зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан меҳмонларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

ШАРЖА МЕРОС ИНСТИТУТИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

27 апрель куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов билан Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа Мерос институти археология бошқармаси вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Шаржа Мерос институти дунё маданий меросига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётгани юқори баҳоланди. Институт академик маданий муассаса бўлиб, унинг мақсади Бирлашган Араб Амирликларининг меросини

ҳужжатлаштириш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Шунингдек, мулоқотда жорий йилнинг октябр ойида Самарқанд шаҳрида Шаржа Мерос институти археология бошқармасининг кўргазмасини ўтказиш бўйича ташкилий масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Бу каби кўргазмалар Бухоро, Хива ва Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарларида ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда.

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК”

2 май куни Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультетининг талабалари учун сайёр ўқув машғулоти ташкил этилди. Ўқув машғулоти “Инсон ҳуқуқлари ва миллий қонунчилик” мавзусида бўлиб ўтди. Машғулот Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурига мувофиқ ўтказилди.

Унда иштирок этган бўлажак ҳуқуқшунослар миллий марказнинг мамлакатимизда инсон ҳуқуқ

ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган фаолияти билан яқиндан танишдилар. Миллий марказнинг хорижий экспертларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир тавсиялари билан ишлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга доир фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

Қизиқарли савол-жавобларга бой бўлган сайёр ўқув машғулоти талабаларда катта таассурот қолдирди.

АЁЛЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

25 май куни Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этилган “Аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқи: муаммолар ва келгусидаги ҳаракатлар” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолари, ИХТга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва ихтисослаштирилган ташкилотлари вакиллари, БМТ ва ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари, Саудия Арабистонидаги хотин-қизлар ташкилотлари ва таълим муассасалари ходимлари иштирок этди. Халқаро семинарда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилло Тиллабоев ҳам қатнашиб, нутқ сўзлади.

У ўз нутқида Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилингани, унда хотин-қизлар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари кенг қўламда мустаҳкамланганини таъкидлади.

Шунингдек, маърузада Ўзбекистонда қизларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, аёллар ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастурини амалга ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид ўқув курсларини ўтказиш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Мамлакатимизда аёлларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ва бу болада амалга оширилаётган чора-тадбирлар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

Doi Journal 10.54952/p1696-2206-6326-y

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL JOURNAL

2 (98) – 2023

Chair of the Editorial Board:

Akmal SAIDOV

Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

International Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA

(Uzbekistan)

Kudratilla RAFIKOV

(Uzbekistan)

Aslan ABASHIDZE

(Russian Federation)

Yoh MATSUO

(Japan)

William BUTLER

(USA)

Tadeusz BODIO

(Republic of Poland)

Rein MÜLLERSON

(Republic of Estonia)

Tatiana MOSKALKOVA

(Russian Federation)

Sergey UDARTSEV

(Kazakhstan)

Taliya XABRIYEVA

(Russian Federation)

Editorial Board:

Mirzatillo TILLABAEV – Doctor of Law, Professor.

Halim BOBOEV – Doctor of Law, (PhD), Professor, Honored Scientist of the Republic of Uzbekistan.

Omon AKYULOV – Doctor of Law, Professor, Honored Lawyer of Uzbekistan.

Askar GAFUROV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Muzaffar MAMASIDDIKOV – Doctor of Law, Professor.

Mikhail GASANOV – Doctor of Law, (PhD), Associate Professor.

Elizabella KUTYBAEVA – Doctor of Law, Professor.

Xaydarali MUXAMEDOV – Candidate of Law, Professor.

Deputy Editor-in-chief:

Azizbek RAMAZONOV

Executive Secretary:

Azamat JUMANIYAZOV

FROM THE EDITORIAL BOARD

Our Updated Constitution is in Practice 91

CONSTITUTION – GUARANTEE OF THE DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY

Ismail Saifnazarov. The Value of Teacher 93

Utkirbek Ochilov. Problems of Education Development in the Field of Constitutional Reforms and Human Rights in Uzbekistan 95

Mahmudjon Choriyev. New Constitution and Human Rights 100

UZBEKISTAN AND THE UN: COOPERATION IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS

President of Uzbekistan Advocates Further Deepening of Constructive Cooperation with UN Human Rights Structures 104

UN High Commissioner at the National Center for Human Rights 105

INTERNATIONAL LAW AND THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN

Sayyora Saidova. Political-Legal Analysis of the Category of Freedom of Conscience 106

Fotima Ismailova. The Constitutional Regulation of the Right to Free Legal AID: Foreign and National Experience 109

SOCIETY AND LAW

Umidjon Abdubannayev. Prospects for Improving National Anti-Corruption Legislation 113

Ulugbek Ashurov. Crime Prevention Under the Conditions of New Uzbekistan: Analysis of Theory and Practice 117

Elbek Raimov. Legal Basis of Participation by Higher Education Institutions in Legal Relations 121

CONFERENCES. SEMINARS. PRESENTATIONS 124

FOUNDER:



NATIONAL CENTRE
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN FOR
HUMAN RIGHTS

CO-FOUNDERS:



FEDERATION
OF TRADE UNIONS
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN
OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

FROM THE EDITORIAL BOARD

OUR UPDATED CONSTITUTION IS IN PRACTICE

For the first time, our renewed Constitution, which was unanimously approved by our people in the national referendum, aimed at establishing a sovereign, democratic, legal, social and secular state, came into effect. As the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev, stated, “Millions of our compatriots took an active and worthy part in the public debates held during the period from the discussion of the draft of our Constitution to its adoption. From this point of view, we have every reason to say that the true author of our updated Constitution was our people”¹.

Deep political, legal, economic and social reforms, which have been implemented in our country on a large scale, created the need to improve our existing Basic Law based on the requirements of the time. That's why our nation, which deeply understands the meaning of life, peace and human value, proudly accepted our updated Constitution as “My Constitution”, which embodies the ideas of democracy, freedom and equality, social justice and solidarity.

After all, the new system of “human being – society – state” in our Constitution triples the social obligations of the state. In order to implement this principle, hundreds of new kindergartens, schools and hospitals are planned to be built at the expense of an additional 30-40 trillion soums allocated annually from the state budget. In order to ensure a decent living of our people, it is aimed to increase the size of the national gross domestic product from the current 80 billion dollars to 160 billion dollars in the next few years. Due to this, the gross domestic product per capita will reach 4,000 dollars.

In our basic law, a new strategic goal of state building is to establish a social state. It was expressed

in it. This means, first of all, the introduction of the principles of social justice and solidarity, the creation of completely new opportunities for the protection of human rights and freedoms. In particular, in New Uzbekistan, the participation of civil society institutions, including public associations and other non-governmental non-profit organizations, citizens' self-government bodies, in solving socio-economic issues is expanding.

In our updated Constitution, the norms regarding guarantees of human rights have been tripled. Now, citizens have the right to appeal to the Constitutional Court with a complaint about the constitutionality of the law applied to them. From now on all conflicts and ambiguities in the legislation that arise in the interaction between a person and state bodies will be interpreted in favor of a person. For this purpose, appropriate amendments and additions will be made to the Law “On Normative-Legal Documents”.

Conducting evaluations and announcing them at the end of each year, the “Priority of Rights” index is used as a positive experience in developing the main criteria for evaluating the observance of human rights and freedoms in the activities of state bodies based on the areas and tasks they are responsible for.

By ensuring equal rights and opportunities for women and men in the field of public service, the necessary conditions are created for the participation of individuals of different genders in public administration, in particular, the free participation of women and men in the competition for holding positions in the public service, including leadership positions is ensured.

Current programs and measures will be reviewed to improve them for ensuring employment of citizens,

¹ The renewed Constitution will be a strong legal foundation for the Third Renaissance in our country // Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the meeting with members of the Oliy Majlis, representatives of political parties and the public / <https://president.uz/en/lists/view/6277>.

protecting them from unemployment, as well as taking measures to reduce poverty. A plan of measures will be developed aimed at improving the quality of life of unemployed and lonely elderly people, persons with disabilities and other socially needy categories of the population, creating conditions for their full participation in the life of society and state, and expanding their ability to independently provide for their basic life needs.

In order to strictly ensure the right of every citizen to freely move around the country, to choose the place of residence, the law “On the list of categories of citizens of the Republic of Uzbekistan who must be registered by the place of permanent residence in the city of Tashkent and the Tashkent region” became invalid.

The Criminal Code and the Criminal Procedure Code will be amended and supplemented with respect to the strict observance of the confidentiality of correspondence, telephone conversations, mail, electronic and other communications.

Article 56 of our updated Constitution stipulates: “National human rights institutions complement the existing forms and means of protecting human rights and freedoms, help to develop civil society and raise the culture of human rights”, measures will be taken to further improve the activities of the National Human Rights Center, Representative of the Oliy Majlis on Human Rights².

The new Basic Law of New Uzbekistan sets new political, social and economic tasks for the President, Parliament, Government, Ministers, Governors, which cannot be delayed. At the same time, our people are waiting for very important and urgent changes and reforms in all areas. At the moment, in the current situation, where sharp and complex processes are prevailing in the world and in our region, finding the right and effective way of development and its implementation has become the most acute and urgent issue. Taking this into account, based on the fact that Article 128 of the updated Constitution of the Republic of Uzbekistan stipulates that: “The President of the Republic of Uzbekistan has the right to appoint the election of the President of the Republic of Uzbekistan before the deadline”³, it was considered acceptable to hold this election before the deadline. In accordance with Articles 110 and 128 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan and Article 66 of the Election Code of the Republic of Uzbekistan, an early election of the President of the Republic of Uzbekistan was scheduled for July 9, 2023⁴.

Today New Uzbekistan is entering a completely new era in its development. With the adoption of our updated Constitution, the legal foundation for the Third Renaissance was created. There is no doubt that our Basic Law will be a strong support in the realization of the great creative goals that our nation has set for itself.



² Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the first priority measures for the implementation of the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan” // National database of legislative information, 10.05.2023, No. 06/23/67/0269.

³ Constitution of the Republic of Uzbekistan // National database of legislative information, 01.05.2023, No. 03/23/837/0241 // National database of legislative information, 01.05.2023, No. 03/23/837/0241.

⁴ See: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муддати дан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида” ги фармони // <https://president.uz/uz/lists/view/6274>.

CONSTITUTION – GUARANTEE OF THE DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY

THE VALUE OF TEACHER



Ismail SAIFNAZAROV,
doctor of philosophical sciences,
professor

Our people unanimously adopted the updated Constitution of New Uzbekistan. Our Basic Law, which guarantees person's life, freedom, dignity, inviolable rights and interests, the fate and future of our country, makes Uzbekistan a social state, that is, the people serve the people, not the public authorities.

The fact that our updated Constitution was positively received by our people, was actively discussed, and was actively involved in its approval and implementation", he noted.

In our Basic Law, based on the principle of "Human being – society – state", the norms on human rights have increased by 3.5 times, and the norms on social obligations of the state have increased by 3 times. Its substances have increased from 128 to 155, norms have increased from 275 to 434.

It is particularly noteworthy that the obligation to protect the honor and dignity of teachers, to care for their social and material well-being, and professional growth has been strengthened in our Constitution. At the same time, these rules serve to increase the professional growth, social and material support of more than 685,000 teachers engaged in the education of the young generation and their social status and reputation in the society.

It is noteworthy that articles related to science and enlightenment are sealed in our updated Constitution. In particular, Article 50 states that "Everyone has the right to education". The state ensures the development of the continuous education system, its various

